Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

20-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 170 (4886).

29 АВГУСТ ЧОРШАНБА 1973 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ПОТОКДА БАҲОДИР ТЕРИМ МАШИНАСИ

Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Ташсельмаш» заводи ХН—3,6 маркали тўрт қаторнинг пахтасини терадиган «Ўзбекистон» машинасини кўплаб ишлаб чиқаришга киришди.

Корхонанинг бош конструктори А. С. Муравьев шу воқеани шарҳлаб, ЎзТАГ мухбирига қуйидагиларни айтди:

— Янги терим машинаси пахтачиликка аталган МТЗ—50Х маркали 60 от кучига эга бўлган тракторга монтаж қилинади. Бу тракторда икки асосий тезликдан ташқари учинчи паст тезлик ҳам бор. Ғилдираклар шинасининг эўрайтирилганлиги туфайли у кўпроқ юк кўтаради ва жойлардан яхшироқ ўтади.

ХН— 3,6 анъанавий технологик схема бўйича эгатдаги пахтани икки томонлама ва икки карра териб ўтади. Шуниндек, машина терими практикасида биринчи марта махсус аппарат ғўза қаторлари рельефига қараб терим шпинделларини автомат тарзда мослаб боради. Бундан ташқари, янги машинанинг олдинги ва орқа шпиндель барабанларида биттадан чўткали съёмник ўрнатилган.

Учинчи резерв тезлик машина иш унумига ва терилган пахта сифатига ҳеч зарар етказмаган ҳолда икки шпиндель барабанини қисқартиришга имкон беради.

Завод сентябрдан бошлаб кунига 25 тадан машина чиқаради, йил охиригача эса икки мингта баҳодир машина ясалади.

(ЎзТАГ).

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ШАРТЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТЕКШИРАМИЗ

МУСОБАҚАДОШ ПИСКЕНТ ВА ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОН ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ 7 ОЙЛИК ИШ НАТИЖАЛАРИ

Пискент		Ўрта Чирчиқ	
1972 йил	1973 йил	1972 йил	1973 йил
Сут ишлаб чиқариш (тонна)			
2183	2594	3458	4015
Гўшт ишлаб чиқариш (тонна)			
558	669	1635	2067
Тухум ишлаб чиқариш (минг дона ҳисобида)			
235,9	424,7	17507	18386,5
Бузоқ олиш (процент ҳисобида)			
69	58	40	53
Давлатга гўшт сотиш (процент ҳисобида)			
70,1	70	70,9	80,3
Давлатга сут сотиш (процент ҳисобида)			
77,9	60	74,9	63,9
Давлатга тухум сотиш (процент ҳисобида)			
171,7	230	71,74	66,64

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалик ходимлари ҳамда чорвадорларнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисидаги қароридан илҳомланган Пискент ва Ўрта Чирчиқ район меҳнаткашлари қишлоқ хўжалиги ва чорвачиликни ривожлантириш мақсадида ўзаро мусобақалашиб иш олиб бормоқдалар. Шу йўл билан тўққизинчи беш йилликнинг учинчи ҳал қилувчи йилида янги марраларни эгаллаш учун хормай-толмай меҳнат қилмоқдалар. Ҳар икки район маълум ютуқларни қўлга киритишди. Жумладан чорва маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сотиш, чорва молларининг туёғини кўпайтириш соҳасида ҳар икки район чорвадорлари 1972 йилга нисбатан анча илгарилаб кетдилар. Бу юқорида келтирилган маълумотда яққол кўринниб турибди. Мусобақадош ҳар икки районда ҳам қорамоллар, сигирлар, қўйлар сони ошган, сигирлардан бузоқ олиш, ҳар юз бош совлиқдан қўзи олиш 1972 йилга нисбатан кўпайган. Шунингдек сут, гўшт ишлаб чиқариш ва давлатга сотиш ошган. Бу социалистик мусобақанинг ёрқин самарасидир.

Лекин мусобакадош ҳар икки район чорвадорлари илгарига қараб интилишда, бир хил даражада иш олиб борганлар, бир хил натижага эришганлар. Улар ни мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланмоқдалар, деб бўлмайди. Ўтган етти ой мобайнида қилинган ишлар таҳлил қилиб кўрилса. ким мусобақада пешқадамлиги, ким орқароқдалиги яққол кўзга ташланади.

Масалан, Пискент район чорвадорлари қорамоллар сонини ўтган йилга нисбатан 1515 бош кўпайтиришган бўлса, ўртачирчиқликлар эса бор йўғи 53 бош кўпайтиришга эришганлар. Шу жумладан сигирлар сони ўтган йилдагига нисбатан Пискентда 108,8 процент, Ўрта Чирчиқда 107,2 процент кўпайган. Демак моллар туёғини кўпайтиришда пискентликларга етиб олиш учун ўртачирчиқлик чорвадорлар анча иш қилишлари керак. Қўйлардан қўзи олишда пискентликлар ибрат бўла оладилар. Масалан ҳар 100 бош совлиқдан пискентлиқлар 104 бошдан, ўртачирчиқликлар эса 94 бошдан қўзи олганлар.

Ўтган 7 ойда сут ишлаб чиқариш бултурги шу даврдаги даражага нисбатан Пискентда 118,8 процент, Ўрта Чирчиқда 116,1 процент кўпайган.

Пискент районида сигирлардан кўпроқ сут соғиб олишда, гўштга топширилган молларни семиртиришда 1-«Пискент», 2-«Пискент» совхозлари, Калинин номли колхоз чорвадорлари айниқса яхши хисса қўшмоқдалар. 1-«Пискент» совхози гўштга ҳар бир қорамолни 416 килограмм семизликда топширди. Калинин номли колхозда ҳар бир сигирдан 7 ойда 1763 литрдан сут соғилди. Ўтган йилга нисбатан ҳар бош сигирдан соғилган сут 357 литр кўпайган. 2-«Пискент» совхозида эса 268 литр ошган. Бу соҳада пискентликлар олдинда бормоқдалар. Ўрта Чирчиқда эса айрим хўжаликлар чорва маҳсулоти етиштиришда район даражасидан орқада қолмоқдалар. Акмал Икромов номли колхоз районда биринчи бўлиб йиллик сут тайёрлаш планини бажарди. Свердлов номли, «Полярная звезда», «Ленин йўли» колхозлари чорва маҳсулотлари етиштиришда олдинда бормоқдалар. Бироқ айрим хўжаликлар районни орқага тортишяпти. Масалан, Калинин номли совхоз чорвадорлари етти ой мобайнида топшириққа нисбатан 32 тонна кам сут етиштирганлар. Ҳар сигирдан соғиладиган сут миқдори камайтириб юборилган. «Северний маяк» колхози чорвадорлари топшириққа нисбатан 42 тонна сут, 14 тонна гўшт кам берганлар. Карл Маркс номли колхозда ҳам аҳвол айнан шундай. Бу колхозда ҳозиргача 25 тонна кам сут топширилган. Сигир сони планга 18 бош етмайди. Лекин шунга қарамай сут ишлаб чиқаришда, давлатга гўшт сотишда ўрта чирчиқликлар пискентликлардан ўзиб кетишган. Давлатга сут сотишда ҳар икки район чорвадорлари ўтган йилги даражага эриша олмаганлар. Бу соҳада пискентликлар ўтган йилга нисбатан 17,9 ўртачирчиқликлар 11 процент кам сут сотганлар.

Мусобақадошлар йўл қўйилган камчиликлардан тўғри хулоса чиқаришлари, рўй берган камчиликларни йил охиригача бартараф этишлари лозим.

Тошкент тажриба пиллакашлик фабрикасининг коллективи янги пилла ҳосилини қайта ишлаш юзасидан олган бу йилги мажбуриятларини биринчи декабргача бажаришга аҳд қилган ҳолда меҳнат қилмоқда. Янги хил техника ва асбоб-ускуналар бу ишда айниқса қўл келяпти. Ҳозир бу ерда замонавий ипак ўровчи машиналар синовдан ўтказиляпти.

ЮҚОРИДАГИ СУРАТДА: илғор ипак ўровчи Мамадиёрова янги хил техникани бошқаряпти. ПАСТДАГИ СУРАТДА: ишчилардан Мақсуда Турсунбоева ва Жамила Шербековалар ипак ўрашнинг энг янги усулларини ўрганишяпти. Шу туфайли улар ўз смена топшириқларини кунига 130—140 процентдан адо этишяпти.

В. Сироткин ва И. Глауберзон фотоси.

1973 ЙИЛДА ДОН ЕТИШТИРИШ ВА ДАВЛАТГА СОТИШНИ КЎПАЙТИРИШ ЮЗАСИДАН КОЛХОЗЛАР, СОВХОЗЛАР ВА БРИГАДАЛАРАРО СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ШАРТЛАРИ

Социалистик мусобақада районлар, колхозлар, совхозлар, бригадалар ва комбайнчилар иштирок этадилар.

Давлатга дон топшириш юзасидан энг яхши кўрсаткичларга эришган район ва хўжаликларни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон КП область комитети ва область ижроия комитетининг иккита кўчма Қизил байроғи таъсис этилди. Кўчма Қизил байроқлар давлатга шоли ва бошоқли экинлар ҳосили топшириш якунларига қараб, ҳар беш кунда битта район ва битта хўжаликка тақдим этилади.

1973 йил якунларига қараб дон ҳосили етиштириш илғорлари қуйидаги тартибда рағбатлантириладилар:

ШОЛИ БЎЙИЧА

Камида 50 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 70 центнер ва ундан юқори ҳосил олган бригадага сотиш учун енгил автомашина;

Камида 50 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 60 центнердан ҳосил олган бригадага сотиш учун кажавали мотоцикл;

Камида 250 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 60 центнердан ҳосил олган бўлимга сотиш учун енгил автомашина ва кажавали мотоцикл;

Камида 150 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 60 центнердан ҳосил олган колхозга сотиш учун енгил автомашина ва кажавали мотоцикл;

Камида 250 тонна шолини 20 кун ичида йиғиб ва янчиб берган комбайнчига сотиш учун кажавали мотоцикл тақдим этилади.

МАККАЖЎХОРИ ДОНИ ЕТИШТИРИШ БЎЙИЧА

Камида 40 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 80 центнер ва ундан юқорироқ ҳосил олган бригадага сотиш учун енгил автомашина, камида 40 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 70 центнердан дон олган бригадага кажавали мотоцикл;

50 гектар ва ундан ҳам кўпроқ майдондан 70 ва бундан ҳам юқори центнер ҳосил олган совхоз бўлимлари ва колхозларга сотиш учун енгил автомашина ва кажавали мотоцикл ажратилади.

ЛАЛМИКОР ЕРЛАРДА БОШОҚЛИ ЭКИНЛАР ҲОСИЛИ ЕТИШТИРИШ БЎЙИЧА

Камида 300 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 15 центнер ва ундан юқори бўғдой ва арпа хосили олган бригада бошлиғига сотиш учун енгил автомашина:

Камида 300 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 13 центнердан бўғдой ва арпа ҳосили олган бригада бошлиғига сотиш учун кажавали мотоцикл;

Камида 800 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 12 ва ундан юқорироқ центнердан бўғдой ва арпа ҳосили олган колхоз ҳамда совхоз бўлимларига сотиш учун енгил автомашина ва кажавали мотоцикл ажратилади.

ЭСЛАТМА: Қишлоқ хўжалик ишчилари ва хизматчилари касаба союзлари область комитети бошоқли дон экинлари ва шолини йиғиб олишда юқори кўрсаткичларга эришган илғор колхозчилар, комбайнчилар, дончилик бригадалари бошлиқларига тақдим этиш учун Тошкент—Пятигорск—Ереван—Тбилиси — Батуми—Сухуми—Гагра—Адлер—Тошкент маршрутлари бўйлаб 70 та туристик путёвкаси ажратади.

Бошоқли дон экинлари ва шолини йиғиб олишда юқори кўрсаткичларга эришган совхоз ишчилари, комбайнчилар ва дончилик бригадалари бошлиқларига қишлоқ хўжалиги ишчи ва хизматчилари касаба союзлари область комитети томонидан Тошкент—Пятигорск—Ереван—Тбилиси — Батуми — Сухуми—Гагра—Адлер—Тошкент маршрутлари бўйлаб имтиёзли туристик путёвкалари ажратилади.

Бўка районидаги «Кўкорол» совхози пахтакорлари бу йил 5100 тонна «оқ олтин» етиштириш учун курашмоқдалар. Улар асосий пахта майдонларини ердан туриб, машина билан дефолиация қилишга қарор қилганлар. Бунинг учун хўжаликда 20 та ОВХ-14 маркали машина бор. Ҳозир совхозда машина билан пахта терилган майдонларни районда биринчи бўлиб дефолиация қилиш бошланди. Суратда: ОВХ-14 маркали пуркагич машинаси билан дефолиация қилиш пайти.

А. ТУРАЕВ фотоси.

МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИГА— АСОСИЙ ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи кенгашнинг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда саноат ва қурилишда меҳнат унумдорлигини оширишга доир қўшимча тадбирлар кўриб чиқилди. Кенгаш мажлисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Г. Анисимкин доклад қилди.

Мажлис ишида министрликлар ва идораларнинг ишлаб чиқариш бирлашмаларининг, йирик саноат корхоналари ва қурилишларнинг, илмий тадқиқот ва лойиҳа — конструкторлик ташкилотларининг раҳбарлари, область партия комитетларининг секретарлари ва саноат бўлимлари мудирлари, Тошкент шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, корхоналар ва қурилишлардаги партия ташкилотларининг секретарлари қатнашдилар.

Кенгаш мажлисидан аввал катта тайёргарлик иши ўтказилганлиги, мажлис давомида батафсил фикрлашиб олинганлиги республика саноати ва қурилишида меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган қимматли тавсияларни ишлаб чиқиб, қабул этиш имконини берди.

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Оққўрғон районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг коллективи гектаридан 40 центнердан пахта топшириш учун курашмоқда. Совхознинг илғор бригада ва бўлимларида мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил етиштирилди. Эрта экилиб, сифатли парвариш қилинган майдонларда пахта очила бошлади.

Совхоз пахтакорлари теримни уюшқоқлик билан бошлаш учун барча чора ва тадбирларни амалга оширяптилар. Жуда кўп ишчилар машина теримига тайёргарлик билан боғлиқ бўлган ишларни амалга оширяптилар. Айниқса ,бу иш Мустафо Чачи номли бўлимда яхши уюштирилган. Бўлим пахтакорлари машина ишлайдиган майдонларнинг 95 процентини бегона ўтлардан тозалаб қўйишди. Навоий номли бўлимда ҳам ҳосили машинада теріладиган майдонларни тайёрлаш ишлари уюшқоқлик билан олиб бориляпти.

Бўлимда машиналар бурилиб, қайтадиган майдончалар, ўқариқлар текисланяпти. Ульянов номли, «Дўстлик» бўлимларида ҳам машина теримига тайёргарлик кўриш тез суръатлар билан олиб борилаётир. Совхозда барча экин майдонлари бешинчи марта суғорилмоқда. Бу ишда 133 киши банд. Яқин кунлар ичида хўжаликда ғўзани дефолиация қилиш ишлари ҳам ёппасига бошлаб юборилади.

СУНГГИ СОАТДА ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ҚАТЪИЙ ҚАРОРЛАР

САНТЬЯГО. 27 август. (ТАСС). Чили хавфсизлик органи фашистларнинг «патрна ва либертад» ташкилотн бошлиғи Роберт Тим ва унинг олтита шериги қамоққа олди. Маълумки, бу ўта ўнг группа аъзолари кейинги кезларда бир неча йирик қўпорув ишлари ҳамда мамлакат экономиқасига катта зарар келтирадиган жанжалнинг келиб чиқишига сабабчи бўлдилар «Патрна ва либертад» ташкилотининг бу ҳомийлари Чили активистларига бир неча бор ҳуруж қилишга ўринди.

Кеча Чили пойтахти компартияси ҳамда ёшларнинг йиғилиши бўлиб ўтди. Бу йиғилишда мамлакатдаги сиёсий аҳвол муҳокама қилинди ҳамда реакция кирдикорларига қарши кескин зарба бериш плани муҳокама қилинди. Йиғилишда сўзга чиққан Компартия Марказий Комитети Сиёсий комиссияси аъзоси Хорхе Инсунс Халқ бирлиги ҳукумати шу кунларда ўз фаолияти давомида энг оғир дамларни бошидан кечираётганлигини таъкидлади. У мамлакатнинг бутун ватанпарвар кучларини фашизмга қарши курашга, демократик тузумни ҳимоя қилишга ва реакцияни барбод этишга сафарбар қилишга чақирди.

Айни вақтда реакцион элементлар ҳукуматга қарши ҳаракатларини давом эттирмоқдалар.

Кеча 30 га яқин ҳарбий денгизчи Вальпарансо порт шаҳрида радиостанцияни ишғол этиб, мамлакатнинг барча ҳарбий хизматчиларига командирлар буйруғига итоат этмаслик ҳақида мурожаат қилдилар.

Юк ташувчиларнинг бошлиқлари ҳукумат билан бўлаётган музокараларда ҳамон нотўғри позициялардан қайтмаётирлар. Бу билан улар транспортчиларнинг чиқишлари сиёсий характерга эга эканлигини ва Чили халқ ҳукуматига қарши қаратилганлигини рўй-рост кўрсатмоқдалар. Юк ташувчилар бирлашмасининг раҳбари Вильярин «Патрна ва либертад» фашистлар ташкилоти билан мустаҳкам алоқада эканлигини тан олиб, оппозицион радиостанцияларнинг бирида сўзлаб, намойишни «ҳозирги ҳукуматни ағдаришгача» давом эттиришга чақирди.

ПОРТУГАЛИЯ ҲАРБИЙЛАРИНИНГ ЖИНОЯТЛАРИ

РИМ. 27 август. (ТАСС). Португалия солдатлари ҳимоясиз аёлларни ва болаларни ўлдирмоқдалар, далада ишлаётган деҳқонларга қарата автоматлардан ўқ узмоқдалар. Бу ҳақда «Унита» газетаси мухбирига Манго (Мозамбик) қишлоғининг аҳолиси сўзлаб берди.

Бироқ, деб таъкидлайди газета, Португалия мустамлакачиларининг вахшиёна ҳаракати уларнинг нияти амалга ошишига сира имкон бермайди. Мозамбик озодлик фронти ватанпарвар кучлари озод этган территория тобора кенгайиб бормоқда. Португалия ҳарбийларининг бу Африка мамлакатидаги озодлик ҳаракатини барбод этишга бўлган уринишлари муваффақиятсиз тугамоқда.

ФИТНА ФОШ ЭТИЛДИ

ДАКАР. 27 август. (ТАСС). Конакри радиосининг хабар беришича Гвинея республикаси президенти Секу Туре ҳукуматга қарши уюштирилган фитна барбод бўлганлигини эълон қилди. У айрим ғарб мамлакатлари, шунингдек Исроилни Гвинея халқи сотқинларига мамлакат ичкарисида ҳам, шунингдек ташқарисида ҳам Гвинеяда тўнтариш ташкил этишда кўмаклашяпти деб айблади.

ДЎСТЛИК ҲАЛҚАЛАРИ

Иттифоқимиздаги ўн беш республиканинг ҳар бирини бир-бирига туташиб кетган мустаҳкам халқалар сифатида тасаввур этамиз.

Улуғ Октябрь инқилоби тонгидаёқ В. И. Ленин халқлар ўртасида ана шундай иттифоқ-дўстлик бўлишини орзу қилган эди. У фақат Россия халқларигагина эмас, балки бутун дунёдаги ишчи-деҳқонларнинг ўзаро дўстлиги ва иттифоқини орзу қилган эди. **«Биз, — деган эди В. И. Ленин, — дунёдаги барча миллатларнинг ишчи ва деҳқонларини... мустаҳкам қилиб бирлаштиришга ва тамоман қўшишга интиламиз».**

Совет республикаларимизнинг қардошларча ўзаро ёрдами дўстлик ҳалқаларини янада мустаҳкам боғловчи воситадир. Совет халқларининг дўстлиги ўзаро иқтисодий, маънавий ёрдамга, сиёсий бирликка асосланган.

Бу дўстлик нималарга қодир эканлигини билмоқ учун бугунги яшнаб турган Тошкент жамолига боқиш кифоя. Шаҳарнинг гўзал ишлар турар-жой районига борманг, бинолар пештоқидаги «Украина—Тошкентга», «Белоруссия халқидан эсдалик», «Болтиқ бўйи республикалари қурувчиларидан тошкентлик дўстларга», «РСФСР—Тошкентга» каби ёзувларни ўқиб, дўстликнинг буюк қудратига қойил қоласиз. Ана шу муқаддас дўстлик, совет кишиларининг ўзаро дўстлиги ва қардошларча ҳамкорлиги туфайли Тошкентда 1966 йилда рўй берган кучли зилзила оқибатлари тез фурсатларда бартараф қилинди. Тошкентимиз аввалгисидан ўн чандон гўзал қилиб қайта қурилди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг сўзи билан айтганда Тошкентда қад кўтарган ҳар битта бино «Дўстлик», «Дўстлик» деб шивирлаб турибди. Ўз навбатида республикамиз бинокорлари қардош республикаларга ҳам дўстона ёрдам қўлини чўзиб келмоқда.

1970 йил май. Кавказ тоғлари ён бағриларида кучли зилзила бўлди. Бир лаҳзанинг ичида Доғистон автоном республикасининг ўнлаб қишлоқлари вайрон бўлди. Табиий офат натижасида 40 мингдан ортиқ аҳоли бошпанасиз қолди. Кўплаб шифохоналар, мактаблар, болалар боғча ва ясли-лари, маданий-маиший бинолар шикастланди.

Тошкентликлар доғистонликларга биринчи бўлиб ҳамдардлик билдирдилар ва ёрдамга отландилар. Уша кунларда пойтахтимиз партия ва совет органларига, қурилиш ташкилотларига кўплаб хатлар кела бошлади. **«Биз янги Тошкент қурувчилари Доғистон автоном республикасида рўй берган зилзилани эшитиб, жуда ташвишландик, — деб ёзади қурувчи Темур Тошбеков, — зилзила нима эканини яхши биламиз. Шу сабабдан тоғли ўлка қардошларимиз учун уй-жой лар қуриб беришда қатнашишга ижозат берсангиз».** Ариза берганлар орасида қурувчи-инженер Турғун Қурбонов, крановщик Одилжон Мадёров, монтажчи Владимир Коваль ва бошқа ўнлаб қурувчилар бор эди.

Бинокорлар ўз ваъдаларига вафо қилиб, Доғистонда астойдил тер тўкдилар. Ўзбекистон қурилиш-монтаж поезди коллективи Махачқалада 24 минг квадрат метр турар-жой, бир мактаб, иккита болалар боғчаси, 6 минг аҳолига хизмат кўрсата оладиган тошкентлик дўстларга». Ариза берганлар орасида қурувчи-инженер Турғун Қурбонов, крановщик Одилжон Мадёров, монтажчи Владимир Коваль ва бошқа ўнлаб қурувчилар бор эди.

Бинокорлар ўз ваъдаларига вафо қилиб, Доғистонда астойдил тер тўкдилар. Ўзбекистон қурилиш-монтаж поезди коллективи Махачқалада 24 минг квадрат метр турар-жой, бир мактаб, иккита болалар боғчаси, 6 минг аҳолига хизмат кўрсатган қозонхона бинолари-ни қуриб берди. Бу ишларнинг ҳаммаси республикамиз ҳисобидан бажарилди. Махачқалада-ги уйларнинг калитини топшириш маросимида Доғистон область партия комитетининг биринчи секретари М. С. Умаханов: **«Доғистонда қурилган «Ўзбекистон» шаҳарчаси халқларимиз дўстлиги шарафига қўйилган монументдир. Бу ленинча интернационал дўстлик самарасидир», — деди.**

Ўз сўзларининг устидан чиққан бинокорлардан ўн беш киши «Доғистон автоном Совет социалистик республикасида хизмат кўрсатган бинокор» деган шарафли номга мушарраф бўлдилар.

Ўтган йили қардош Грузия пойтахти Тбилисида сув тошқини рўй берди. Тошқин шаҳар хўжалигига анчагина зарар етказди. 40 минг квадрат метр турар-жой ишдан чиқди. Бу хабарни эшитган Тошкент бинокорлари Тбилисига йўл олдилар. Республикамиз партия ва ҳукуматининг қарорига биноан Ўзбекистонлик бинокорлар Тбилиси шаҳри аҳолиси учун ҳар бири 54 квартирали тўртта турар-жой биноларини қуриб бердилар. Бу уй-жойларда тошқиндан зарар кўрган 216 хонадон яшайди. «Тбилисида қурилаётган уйлар Тошкент уйсозлик комбинатида тайёрланган панеллардан тикланади,— дейди қурилиш-монтаж поезди бошлиғи Босит Акрамхўжаев. — Бу бинолар ўзбек меъморчилигининг анъанавий услублари асосида пардозланади».

Иттифоқимизнинг барча миллат вакиллари ягона мақсад йўлида бир-бирлари билан иқтисодий алоқалар боғлаган ҳолда коммунизмнинг муҳташам биносини қурмоқдалар. Республикамизнинг қайси бир йирик қурилишини олманг, у ерда ўнлаб миллат вакилларининг биродарона меҳнат қилаётганлигини кўрасиз. Биргина Сирдарё ГРЭСи қурилишида беполён Ватанимизнинг 100 дан ортиқ миллат вакиллари бир тан-бир жон бўлиб меҳнат қилмоқдалар.

«Кўп миллатли Совет халқининг бирлиги олмасдек мустаҳкам, — деди Л. И. Брежнев Иттифоқимизнинг олтин тўйи тантаналарида. — Олмос рангбаранг товланиб турганги сингари халқимизнинг бирлиги ҳам Ватанимиздаги барча миллатларнинг фазилатлари билан кўркамдир. Бу миллатларнинг ҳар бири бадавлат, эркин ва бахтли ҳаёт кечирмоқда».

Капиталистик дунёда тамомила бошқа манзарани кўриш мумкин. Ўтган йили 23 декабрда Никарагуа пойтахти Манагуада даҳшатли зилзила рўй берди. Аҳолиси 300 минг кишидан ошмайдиган шаҳарда 25 минг хонадон вайроналар остида ҳалок бўлди. Ҳукумат табиий офатдан зарар кўрган кишиларга ёрдам уюштириш ўрнига уларни талади. **«Магазинлар талаб кетилди,** — деб ёзади журналист В. Весенский. «Комсомольская правда» газетасида. — **Баъзи бир савдогарлар аҳолининг ҳаробагарчилигидан ўзларига манфаат излаб маҳсулотлари учун икки-уч баробар нарх талаб қилмоқдалар. Дунёнинг турли бурчакларидан Қизил ярим ой жамияти ташкилотлари юборган 60 минг тоннадан ортиқ маҳсулот аэропортда ачиб-сасиб ётибди. Самосо ҳукумати буларни аҳолига етказиб бериш тўғрисида ўйламаётир ҳам».**

Инсониятнинг буюк даҳоси В. И. Ленининг миллатлар ўзаро интернационал бирлиги тўғрисидаги таълимоти нақадар узоқни ўйлаб тузилган сиёсат эканлиги ҳаёт синовидан ўтмоқда. **«Совет кишилари меҳнатининг ўзи ҳам интернационалдир** деб ёзади Ш. Р. Рашидов ўзининг «Интернационализм байроғи остида» деган мақоласида. — **чунки мамлакатимизда ҳар бир кишининг меҳнати коммунистик қурилишнинг умумий ишига келиб қўшилади».**

Мамлакатимиз халқларининг ленинча дўстлиги катта бойлигимиз. Бу қудратли куч туфайли барча соҳада ғалаба қилмоқдамиз, коммунизмнинг нурафшон чўққилари сари олга бормоқдамиз.

Ш. ҚОСИМОВ,
Тошкент — Махачқала — Тбилиси—Тошкент.

Тошкент трактор заводи беш йилликнинг учинчи ҳаҳ қилувчи йилида қишлоқ хўжалиги учун 55 мингдан зиёд трактор ва прицеплар ишлаб чиқаришга аҳд қилган. Суратда: заводнинг йиғув цехи.

М. Нуриддинов фотоси.

ЧЕВАРЛАР ЮТУҒИ

Тошкент модалар уйининг коллективи тўққизинчи беш йиллик учинчи йилининг етти ойини яхши якунлади. Пландаги 2422 минг ўрнига 2705 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Турли ассортиментдаги эркаклар, хотин-қизлар ва болалар учун 86 минг дона кийим-кечак тайёрланди.

Шу даврмобайнида бу ерда 798 янги моделдаги либослар тикила бошланди. Булардан 390 таси айни кунларда Тошкентдаги «Қизил тонг» ва «Юлдуз» фирмаларида тикилмоқда.

Илғор коллектив ҳал қилувчи йилда янги синтетик материаллардан хотин-қизлар пальтоси, болалар кийим-кечаклари ҳам ишлаб чиқмоқда. Турли шаҳарларда ўтказилган кўргазмаларда намойиш қилинган бу моделдаги либослар кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Бундай ютуқларни қўлга киритишда М. Толипова бошлиқ цех меҳнатсеварлари муносиб ҳисса қўшишди. Улар барча кўрсаткичлар бўйича давлат планларини зиёдаси билан бажариб, корхона маъмуриятининг Кўчма Қизил байроғини қўлга киритдилар.

Мазкур корхонада А. Девятова, Л. Казанцева ва Е. Губиналарнинг ватанпарварлик ташаббусига қўшилган илғорлар кўп. Айни кунларда 50 чевар 1973 йилнинг сўнгги ойи ҳисобига, 40 чевар 1974 йил, ўндан ортиқ илғор ишчи эса 1975 йил ҳисобига ишламоқда.

Ш. НУРУЛЛАЕВ.

ПАХТА ТОЗАЛОВЧИЛАР ҒАЙРАТИ

Тошкент область пахта тозалаш заводлари коллективлари зиммаларига юклатилган масъулиятли ва шарафли вазифаларни беками-кўст бажариш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Барча корхоналарда давлат планлари ва социалистик мажбуриятларнинг тўла муддасидан чиқиш учун мусобақа ва коммунистик меҳнат авж олиб кетган. Бу ватанпарварлик ҳаракатида вужудга келган янгиликлар, илғорларнинг иш тажрибалари ҳамма ишчи-хизматчилар ўртасида кенг ёйилмоқда. Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва меҳнат шароитини яхшилаш, пахта тозаловчилар ишининг маданий даражасини оширишга қаратилган ўнлаб чоралар кўрилди. Қатор асбоб-ускуналар модернизация қилинди ва янги машина-механизмлар ўрнатилди. Бу эса ишчи-хизматчилар меҳнати натижасининг баракали бўлишига ёрдам бермоқда.

Шу туфайли ҳам пахта тозаловчилар саккиз ойлик маҳсулот реализация қилиш планини муваффақиятли бажардилар. Қўшимча 7 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилинди. Тола ва момиқ ишлаб чиқаришда юксак кўрсаткичларга эришилмоқда. Йил бошидан буён топширишдагидан ташқари тайёрланган ва мамлакатимиз тўқимачилик саноати корхоналарига юборилган пахта толаси миқдори 3 минг тоннадан кўпроқни ташкил этди. Бундан ташқари планга қўшимча 400 тоннадан ортиқ момиқ ишлаб чиқарилди.

Трестга қарашли пахта тозалаш заводлари коллективларининг аксарияти давлат планлари ва социалистик мажбуриятларини шараф билан бажармоқдалар. Айниқса Тошкент, Алимкент. Бекобод ва Бўка пахта тозалаш заводлари ишчи-хизматчиларининг меҳнат зафарлари салмоқли бўлмоқда. Улар бир неча кундан бери ҳал қилувчи йилнинг тўққизинчи ойи ҳисобига маҳсулот беришяпти.

Пахта тозаловчилар йил бошида зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини қайта кўриб чиқдилар. Биринчи ваъдада давлат планини 25 декабргача бажаришга аҳд қилишган эди. Эндиликда эса уни бундан беш кун илгари бажаришга қарор қилдилар.

ИЛҒОР ЦЕХ

Ёғочни қайта ишлаш цехи Туябўғиздаги темир-бетон буюмлари заводида пешқадамлик қилмоқда.

Бригадада етти ойлик план топширқилари зиёдаси билан бажарилди. Пландаги 122.5 минг ўрнига 124 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

— Кўпинча муваффақиятларимизнинг сири тўғрисида сўрашади, — дейди цех бошлиғи М. Каракаш. — Ютуқларимизнинг сири оддий. Ишчиларимиз мавжуд 13 та дастгоҳни доимо бир меёрда ишлашини таъминламоқдалар. Бундан ташқари, ўзаро социалистик мусобақа намунали йўлга қўйилган.

«Мусобақалашишдан мақсад — ёрдамлашиш» шиорининг илғари сурилиши ютуқларга эришишда муҳим омиллардан бири бўлди. Иброҳим Эминусеинов, Султон Абдуллаев, Нури Шеметов ва Юрий Кравченко каби илғор дурадгорлар коллективимизга янги келган ёшларга ўз касбининг сир асрорларини, илғор тажрибаларни ўргатдилар. Натижада бу ёшлар ойлик ва квартал планларинигина эмас, балки зиммаларидаги социалистик мажбуриятларини ҳам бирин-кетин бажара бошладилар. Мана икки ойдирки, цехимиз коллективи ўзаро социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқда.

Коллектив ҳозирда кўплаб сифатли қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун бутун куч ва имкониятларни ишга солаяпти.

А. ҚОДИРОВ,
Э. ТУРСУНОВ.

АГИТАТОР ВА ПРОПАГАНДИСТЛАРГА ЁРДАМ

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИГА ПАРТИЯ РАҲБАРЛИГИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг тарихий XXIV съезди коммунистик мўл-кўлчиликни янада ошириш соҳасида қўйилган улкан қадам бўлди. Съезд тўққизинчи беш йилликда совет кишилари олдида турган конкрет вазифаларни белгилаб бериш билан бирга, хўжаликка, ишлаб чиқаришга партия раҳбарлигини янада кучайтириш, халқ хўжалигининг барча тармоқларида партия раҳбарлик ролини ошириб бориш шу кунинг муҳим вазифаси эканлигини алоҳида таъкидлади.

«Коммунистик партия фаолиятининг энг муҳим жиҳати, — деган эди ўртоқ Леонид Ильич Брежнев КПСС XXIV съездига қилган ҳисобот докладида, — **жамият тараққиётининг бош йўлини, тўғри сиёсий йўлни ишлаб чиқишдан ҳамда бу йўлни амалга ошириш мақсадида меҳнаткашларни сафарбар этишдан иборатдир».**

Ҳозирги кунда партиянинг бош йўли — коммунизм моддий-техника базасини барпо этиш, совет кишиларининг моддий-маънавий турмуш даражаларини ривожлантириб бошига қаратилгандир. Демак, ана шу улуғвор вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш йўлида мамлакатимизда кун сайин мавж ураётган қайноқ ҳаёт КПССнинг раҳбарлик ролини тобора ўстириб бориши объектив қонуниятга айлантиради. Коммунизм қурилиши кенг авж олабошлаган сари партия раҳбарлик ролининг ўсиб бориши тарихий зарурият эканлиги тобора аён бўлиб бораверади.

Мамлакатимиз коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган даврга қадам қўйган ҳозирги босқичда Коммунистик партия социалистик экономикага илмий жиҳатдан раҳбарлик қилишни яхшилашга алоҳида эътибор бермоқда. Бу ўз навбатида коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш жараёнида мамлакатнинг барча ресурсларидан янада кенгроқ ва тўлароқ фойдаланишга имкон беради.

Мамлакатнинг бутун серқирра ҳаётида хўжалик қурилиши алоҳида роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам хўжалик қурилишига раҳбарлик қилиш партия раҳбар кадрларидан алоҳида, масъулият ва маҳорат талаб қилувчи жараёндир. Бу мураккаб вазифанинг моҳияти шу билан изоҳланадики, халқ хўжалигига раҳбарлик қилиш инсоният фаолиятининг асосий соҳаси ҳисобланган моддий бойликлар ишлаб чиқаришнинг барча томонларини ўз ичига қамраб олади. Шунинг учун ҳам моддий бойликлар ишлаб чиқаришнинг кўпяавериши Коммунистик партиянинг жамиятга раҳбарлик қилишдаги қобилиятининг узлуксиз ошиб боришини тақозо этади. Бу — жуда ҳам мураккаб вазифадир.

Владимир Ильич Ленин мамлакатимизда социализм қуришнинг илмий планини ишлаб чиқар экан, хўжаликка тўғри раҳбарлик қилиш Совет ҳокимияти олдида турган энг муҳим вазифалардан бири эканлигини алоҳида таъкидлаб кўрсатган эди. У 1918 йилдаёқ Совет ҳакимиятининг навбатдаги вазифаларини характерлаб, мамлакатни бошқаришнинг асосий вазифалари нималардан иборат эканлигини кўрсатиб берди. Бу ҳақда тўхталиб: **«Бу — ғоят қийин вазифадир, чунки, гап ўн ва ўн миллионлаб кишилар турмушининг энг чуқур, иқтисодий асосларини янгича қуриш устида боради. Бу вазифа — жуда улуғвор вазифадир, чунки бу вазифа бажарилгандан кейингина, Россия Совет Республикаси бўлибгина қолмай, социалистик республика ҳам бўлди, деб айтиш мумкин бўлади», — деб ёзган эди.**

СССРда социализм қурилишининг тарихий тажрибалари шуни кўрсатадики, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси мамлакат экономикасини ривожлантириш, коммунистик мўл-кўлчилик учун олиб бораётган олижаноб курашда доҳий Ленин кўрсатмаларига оғишмай амал қилиб келмоқда. Шуни айтиш керакки, Коммунистик партия халқ моддий фаровонлигини ошириб бориш учун курашиш билангина чекланиб қолаётгани йўқ. Аксинча, бу ишда бутун халқ оммасига бошчилик қилмоқда ва меҳнаткашларни ана шу курашга отлантирмоқда.

Бу ҳақда ўртоқ Л. И. Брежнев «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг эллик йиллигн тўғрисида» қилган докладида шундай деган эди: **«Биз, коммунистлар, хотиржам кишилар эмасмиз. Биз халқнинг турмушини яхшилаш учун, уннг бахт-саодати учун мумкин қадар кўпроқ иш қилишни истаймиз ва бу ишни иложи борича тезроқ бажаришни истаймиз. Партиямизнинг хусусиятларидан бири ҳам шу бўлса керак».**

Партиянинг яна бир хусусияти шуки, у халқ манфаатлари учун фақат ўзи курашибгина қолмай, кенг меҳнаткашлар оммасини бу курашга отлантириб, ўзига эргаштириб боради.

Бунинг учун ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида партия ташкилотларининг ролини ошириш, хўжалик фаолияти устидан назоратни кучайтириш билан бирга, ҳар бир коммунистнинг ўзига топширилган вазифа учун масъулиятни чуқур ҳис этиш руҳида тарбиялаш талаб қилинади. Ишлаб чиқаришда коммунистларнинг авангардлик ролининг ошиб бориши қўлга киритиладиган муваффақиятларнинг асосий гаровидир.

Масалан, Оржоникидзе районидаги «Химик» совхозининг фаолиятини олиб кўрайлик. Бу совхоз — турли миллат вакилларидан ташкил топган интернационал хўжалик. Яқин-яқинларгача кичик бир бўлимни ташкил этган мазкур хўжалик, ҳозир райондаги энг бақувват, йирик совхозлардан бири ҳисобланади. Ишлаб чиқаришнинг асосий тармоғини паррандачилик ташкил этади. Хўжаликда сўнгги йилларда маҳсулот ишлаб чиқариш қариб ўн баравар ошди. Бунга сабаб шуки, совхоз партия комитети ва хўжалик раҳбарлари ички имкониятлардан тўла фойдаланишга ҳамда ишлаб чиқаришга партия раҳбарлигини узлуксиз ошириб боришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Мана, бир мисол. Совхоз территориясини кесиб ўтган Чирчиқ дарёси атрофида бир неча гектар ташландиқ ер бор эди. Партия комитети совхоз маъмуриятига ана шу ташландиқ ерда урдакчилик фермаси ташкил этишни таклиф этди. Бу таклиф амалга оширилди. Ўрдакчилик фермаси хўжаликка йилига бир неча минг сўм соф даромад келтирмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида совхоз шаҳар меҳнаткашларига 250 тонна пархез гўшти етказиб берди.

Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир соҳасида коммунистларнинг ташаббус кўрсатишлари, хўжаликка партия раҳбарлигининг тўғри йўлга қўйилганлиги натижасида ишчиларнинг моддий ва маънавий турмуш даражаси юксалиб бормоқда. Сўнгги йилларда ишчилар поселкаси жамолининг таниб бўлмас даражада ўзгариб бораётганлиги, кўплаб жамоат ва турар-жой бинолари қад кўтараётганлиги, тоғ ёнбағирларида янги боғ-роғларнинг бунёд этилаётганлиги фикримизнинг далилидир. Буларнинг ҳаммаси совхоз партия комитети ва хўжалик коммунистларининг ишлаб чиқаришни бошқаришга раҳбарлик қилишдаги ташкилотчилик фаолиятларининг натижасидир.

Хўжалик ишлаб чиқаришга партия раҳбарлигининг муҳим томонларидан бири — меҳнатни илмий асосда ташкил этишдир. Чунки ишлаб чиқаришни ташкил этишда фан-техника ютуқларига таянган партиянинг иқтисодий соҳадаги ишларининг унумли бўлиши, ишлаб чиқаришда жисмоний меҳнатни енгиллаштириш, кам меҳнат сарфлаб, кўп маҳсулот етиштириш имконини беради. Умуман, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш коммунизм қурилишининг умумий қонуниятларидан бири — оқлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги тафовутларнинг тугатилишига олиб келади. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари, фан ютуқларидан оқилона фойдаланиш, иқтисодий қурилишга партиявий раҳбарликнинг тўғри олиб борилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Фан ютуқларининг ишлаб чиқаришга кенг жорий этилаборишн, ўз навбатида жамиятнинг социал тузилишини ўзгартишга ҳам олиб келади. Шунинг учун партия XXIV съезди олдимизга **фан-техника революцияси ютуқлари билан социалистик хўжалик системаси афзалликларини узвий равишда қўшишдан иборат** вазифани қўйди.

Ҳозирги пайтда саноатнинг автоматлаштириб борилаётганлиги ва қишлоқ хўжалигининг комплекс механизациялаштирилаётганлиги ўз навбатида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг таннархини камайтириш билан бирга, жамиятнинг социал тузилишида ҳам чуқур ўзгаришларнинг бўлишига олиб келяпти.

Меҳнатни илмий асосда ташкил этаётган ва фан ютуқларидан унумли фойдаланаётган корхоналар қўлга киритаётган муваффақиятлар айниқса диққатга сазоворлидир. Бу ўринда Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводида амалга оширилаётган тадбирлар айниқса характерлидир. Завод партия комитети ва маъмурияти меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнида фан-техника ютуқларидан фойдаланишга жиддий эътибор бермоқда.

Завод партия комитетининг таклифи ва амалга оширилди. Ўрдакчилик фермаси хўжаликка йилига бир неча минг сўм соф даромад келтирмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида совхоз шаҳар меҳнаткашларига 250 тонна пархез гўшти етказиб берди.

Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир соҳасида коммунистларнинг ташаббус кўрсатишлари, хўжаликка партия раҳбарлигининг тўғри йўлга қўйилганлиги натижасида ишчиларнинг моддий ва маънавий турмуш даражаси юксалиб бормоқда. Сўнгги йилларда ишчилар поселкаси жамолининг таниб бўлмас даражада ўзгариб бораётганлиги, кўплаб жамоат ва турар-жой бинолари қад кўтараётганлиги, тоғ ёнбағирларида янги боғ-роғларнинг бунёд этилаётганлиги фикримизнинг далилидир. Буларнинг ҳаммаси совхоз партия комитети ва хўжалик коммунистларининг ишлаб чиқаришни бошқаришга раҳбарлик қилишдаги ташкилотчилик фаолиятларининг натижасидир.

Бу мисоллардан шундай хулосага келиш мумкинки, коммунизм қурилиши кенг авж олган сари моддий бойликлар ишлаб чиқариш соҳасининг кенгайиб бориши партиянинг хўжаликка раҳбарлик ролини такомиллаштириб боришни объектив қонуниятга айлантиради. Чунки, коммунистик мўл-кўлчиликни таъминлаш ишлаб чиқаришни моҳирлик билан ташкил эта билиш ва унга тўғри раҳбарлик қилишни тақозо этади. Бунинг учун партия ва хўжалик ташкилотларининг раҳбарлари ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилиш билан бирга ана шу ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этадиган кишиларнинг талаб ва эҳтиёжини ўрганишлари, ғамхўрлик қилишлари ҳам керак. Бу ҳақда ўртоқ Л. И. Брежнев шундай деган эди: **«Партия хўжалик фаолиятининг у ёки бу участкасига раҳбарлик қилишни кимларга ишониб топширган бўлса, улар ана шу раҳбарлик методлари ва услубини тиммай такомиллаштиришлари керак. Янгиликни тўла равишда ҳис эта билишлари, ташаббус кўрсатишлари, фан-техника тараққиёти очиб берадиган барча имкониятлардан ўз вақтида фойдаланишлари лозим. Ишдаги камчиликларга, ҳар қандай бепарволикка нисбатан большевикларча муросасизлик, ресурсларни ғоят кам сарфлаган ҳолда халқ хўжалиги учун энг кўп самара олиш юзасидан чуқур партиявий масъулият ҳар бир раҳбарнинг ажралмас хислатлари бўлиб қолмоғи керак».**

Бизнинг социалистик тузумимиз хўжалик қурилиши борасида қўлга киритаётган улкан ғалабалар шундан далолат берадики, КПСС ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг сиёсий раҳбари сифатидаги ролини шараф билан бажармоқда. Совет халқини тўғри йўлдан, Ленин йўлидан бошлаб бормоқда. Яратувчилик фаолиятимизнинг қўлами қанча кенг бўлса, ҳал қилиниши лозим бўлган проблемалар қанчалик мураккаб бўлса, оммага бошчилик қилаётган Коммунистик партиянинг раҳбарлик роли ва масъулияти ҳам шунча ортиб бораверади.

Э. ЮНУСОВ,
фалсафа фанлари кандидати.

Ўқитувчиларнинг катта педсовети

Одатда, янги ўқув йили арафасида ўқитувчиларнинг август кенгашларини ўтказиш анъанага айланиб қолди. Бу йилги йиғилишлар ҳам катта тараддуд билан бошланди.

Август кенгашлари — катта педсовет сифатида ўтказилаётганлиги билан аҳамиятлидир. Ўқитувчилар ўз йиғилишларида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг ўрта умумий таълимни амалга ошириш, қишлоқ мактабининг равнақини белгилаш ҳақидаги қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни кенг муҳокама қилмоқдалар. СССР Олий Советининг VI сессиясида қабул қилинган халқ маорифи тўғрисидаги қонун Асослари ҳам кун тартибига қўйилди.

Бутун республикамиз бўйича ўтказилаётган ўқитувчилар кенгаши ўтган ўқув йили якунларини хулосалайди ва навбатдаги вазифаларни белгилаб беради. Пойтахт областининг шаҳар ва районларида бўлаётган кенгашларда «Совет Социалистик Республикалар Иттифоқининг 50 йиллиги ҳақида» ўртоқ Л. И. Брежнев доклади асосида ўқувчи-ёшларни ғоявий-сиёсий ва интернационализм руҳида тарбиялашни янада яхшилаш юзасидан мактаб педагогик коллективларининг вазифаларн ҳақида», «Ўқувчиларнинг икки йил бир синфда қолишларини тугатиш умумий ўрта таълимга ўтишни муваффақиятли тугаллашнинг ва умумий ўрта таълим мактабларини янада ривожлантиришнинг муҳим омилларидан биридир» деган мавзулардаги докладлар тингланди.

Областимизнинг Калинин, Оржоникидзе, Бекобод районлари, Чирчиқ, Олмалиқ ва Бекобод шаҳарларида ўқитувчиларнинг август кенгаши ғоят ташкилий ва ишчанлик билан бошланди.

Монтажчилардан Ф. Кулагин ва И. Кандаковлар ҳозир пойтахт марказидаги Максим Горький проспектида тўққиз қаватли турар-жой биносини қуришяпти. Улар ўзлари ишлаётган 1-уйсозлик комбинатига қарашли 3-қурилиш бошқармасида илғор монтажчилардан ҳисобланади.

А. Тўраев фотоси.

МАККАЖЎХОРИ—КОМСОМОЛ ОТАЛИҒИДА

ЁШЛИК ҒАЙРАТИ ЖЎШ УРГАНДА

Бу йил Бўка районида 310 гектар ерда дон учун маккажўхори етиштирилди. Республика ёш маккажўхорикорларининг слети кўрсатмаларига ва область маккажўхорикорлари мурожаатига амал қилаётган комсомол-ёшлар ҳар гектар ердан 80 центнер дан ҳосил олиш учун бел боғлаганлар. Колхоз ва совхозлар да 16 та комсомол-ёшлар бригадаси бор бўлиб, бу бригада ларда 60 комсомол аъзоси иш олиб бормоқда. Ҳар гектар ерда 50—55 минг тупдан маккажўхори пояси сақлаб қолинди. Ҳозиргача маккажўхори майдонлари уч марта суғорилди, икки марта озиқлантирилди. Шу кунларда комсомол ёшлар маккажўхори ўрим-йиғимини уюшқоқлик билан ўтказиб, зиммага олган мажбуриятларини шараф билан бажариш учун курашмоқдалар. Район комсомол комитетининг секретари Деҳқонбой Султонов комсомол-ёшларнинг ана шу ишлари ҳақида ҳикоя қилиб беради:

Чиндан ҳам маккажўхора етиштиришни ўз оталикларига олган комсомолларимиз ғайрат кўрсатмоқдалар. Улар маккажўхорини экиш, парваришлаш, ишларини агротехника қоидалари асосида олиб бориб мўл ҳосил етиштирдилар. Мана бугун комсомол-ёшларнинг бутун эътибори, куч-ғайрати ана шу ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиб-териб давлат омборларига топширишга қаратилган.

Куни кеча мен «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг Жумабой Худойбердиев бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси даласида бўлдим. Жумабой ҳали ёш. У колхозда тракторчи бўлиб ишларди. Машина рулига ўтириб, тонна-тонна «оқ олтин» ҳам терган.

Шу йилнинг бошларида комсомол-ёшлардан иборат маккажўхорикорлик бригадаси тузилганида колхоз правлениеси, партия ташкилоти бу бригадага бошчилик қилишни Жумабойга ишониб топширди. Жумабой бу ишончни оқлаш учун дастлабки кунларданоқ ишга астойдил киришди. Бригададаги А. Шоев, Х. Сандов, А. Ёқубов сингари комсомол-ёшлар билан ҳамкорликда меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштирди.

Унинг даласида «Херсонец» машинаси тинимсиз ишлаб турибди. Тележкалар дам ўтмай маккажўхори донига тўлади. Тракторни Жўмабойнинг ўзи бошқариб, у донни колхоз омборига элтиб бермоқда.

Бу бригада комсомол-ёшларининг ишини кўриб чиндан ҳам хурсанд бўласиз. Маккажўхори пайкалларига лавлаги ҳам қўшиб экилган эди. Ҳозир бу лавлаги кўкариб турибди. Поялар йиғиштириб олингач, бу ерлар культивация қилиниб, сув қўйилади. Ана шундан сўнг лавлаги гуркираб ўсади. Колхоз комсомол ташкилотининг секретари Меҳри Йўлдошева ҳам шу ерда экан. Меҳриниса бу ерда иш конвеер усулда ташкил этилаётганлигини айтиб берди. 18 гектарлик бу катта картаннинг ҳосили қисқа муддатларда йиғиб олингач, навбатдаги картадаги маккажўхорилар ҳам етилиб қолади. Ҳар гектар ерда 56 минг тупдан кўчат бор. Бир тупда 2—3 тадан бўлиқ сута. Ҳар бир сўтадаги донларнинг ўртача оғирлиги 110 граммданга етади.

Жумабой ёш маккажўхорикорларининг республика кенгаши қатнашчиси.

— Кенгашдан қайтиб келгач, —деди у.— Биз ўз бригада аъзоларимиз билан маслаҳатлашиб, имкониятларимизни чамалаб кўрдик. Ҳар гектар ердан 70 центнердан дон ҳосили, 500 центнердан силос олиш учун курашмоқдамиз.

Районимизда Жумабойнинг издошлари кўп. Жамбул номли колхознинг Қолиб Ражабов бригадаси ҳам 17 гектар ерда етиштирилган маккажўхорининг ҳар гектаридан ками деганда 80 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқда. «Партия XIX съезди» колхозидан Йўлдош Маҳсудов, Ильич номли колхоздан У. Ниёзқулов ўртоқлар боғчлиқ комсомол ёшлар бригадаси маккажўхорикорлари даласида ҳам иш қизғин.

Район комсомол комитети ёш маккажўхорикорлар ўртасида оммавий-сиёсий, ташкилий ишларни кучайтиришга, илғорлар тажрибасини оммалаштиришга алоҳида аҳамият бермоқда. Биз айниқса, социалистик мусобақанинг оммавийлиги ва самарадорлигини таъминлаш учун ҳаракат қилмоқдамиз. Социалистик мусобақага бутун мавсум давомида уч марта якун қилинади. Мусобақа ғолиблари турли мамлакатларга туристик саёҳатга бориш учун путуевкалар, фахрий ёрлиқлар билан мукофотланадилар. Маккажўхорини экиш, чопиқ қилиш даврларида мусобақага якун қилинганида ҳам «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг комсомол-ёшлари биринчиликни эгалладилар ва район комсомол комитетининг фахрий ёрлиғи билан мукофотландилар.

Комсомол-ёшларга ҳар бир қулай фурсатдан, имкониятдан техника кучларидан унумли фойдаланишда тегишли ёрдам кўрсатиш учун барча тадбирларни амалга оширмоқдамиз. Лекин уларнинг эътирозлари ҳам йўқ эмас. «Узсельхозтехника» район бирлашмаси ҳузурида маккажўхори донини йиғиб олиш учун махсус отряд тузилган бўлиб, бу отряд 3 та комбайн билан таъминланган эди. Лекин «Узсельхозтехника» район бирлашмаси раҳбарларининг айби билан ана шу комбайнлардан фақат 2 таси ишламоқда. Ҳамза номли колхозда бўлганимизда комсомоллар колхозга биркитилган 1 комбайн 5 кундан буён ишламаётганлигини, бу ҳақда «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошлиғи А. Парамоновга бир неча бор мурожаат қилинганлигига қарамай, у ёрдам кўрсатмаётганлигини шикоят қилиб гапирдилар. Бошқа хўжаликларда бўлганимизда ҳам ана шу сингари эътирозларни эшитдик

Ҳар бир колхоз ва совхозда маккажўхори дони нобудгарчилигининг олдини олиш юзасидан зарур тадбирлар белгиланган. Халқ назорати постлари ишлаб турибди. Район комсомол комитети ҳузурида махсус штаб тузилган. Бу штабга район комсомол комитетининг биринчи секретари, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бош агрономи В. П. Цой, бўлим бошлиғи Абдужаббор Маҳмудов, Фрунзе номли колхоздан Шарофуддин Турсунқулов, «Бўка» совхозидан Усмон Собиров, Ҳамза номли колхоздан Аҳмад Жумабоев ўртоқлар биркитилган. Штаб аъзолари вақти-вақти билан дала айланадилар, ишнинг боришини назорат қиладилар, камчиликларга йўл қўйилаётган бўлса, уни бартараф этиш юзасидан шошилинч тадбирлар кўрилади.

Бир сўз билан айтганда комсомол-ёшларимиз ўз сўзларининг уддасидан чиқиш учун ғайрат кўрсатмоқдалар. Лекин Карл Маркс номли, Мичурин номли колхозларда ҳозирги кунлардаги ишнинг бориши талабга етарли даражада жавоб бермаяпти. Ана шу колхозларнинг комсомол ташкилотлари ёш маккажўхорикорлар ўртасида ташкилотчилик ишларини кучайтиришлари, ишни илғорлар тажрибаси асосида йўлга қўйиб, етиштирилган маккажўхори ҳосилини нес-нобуд қилмай, қисқа муддатларда йиғиб олиш тадбирларини кўришлари керак.

Ҳамма ерда маккажўхорикорларнинг мусобақасини авж олдириб, зиммага олинган юксак мажбуриятни сўзсиз бажариш учун курашайлик.

Н. РИХСИЕВ.

«Средазгипропроект» институтида сув омборлари, тўғон, канал ҳамда ҳавзаларни моделлар воситасида синаб кўриш юзасидан тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, ҳозир Чорвоқ сув омбори ва гидротехника иншоотлари ҳамда Хўжакент ГЭСи қурилишидаги гидроузел моделлари синалмоқда. СУРАТДА: инженер Ю. Тимошенко иш устида.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

ПАТЕНТШУНОСЛАРНИНГ ЯНГИ ОТРЯДИ

Ихтирочилар ва рационализаторлар республика жамияти Тошкентда ташкил этган Ўзбекистон патентшунослик жамоат институтини битириб чиққан 63 кишининг ҳар бирига диплом билан бирга ромба шаклидаги нишон топширилди. Ўқишни тамомлаганларга патентшунос, лицензия ва ихтирочилик иши мутахассиси номи берилди.

Институтни асосан республика корхоналари ва муассасаларининг рационализация ва ихтирочилик бюролари ходимлари битириб чиқишди. Улар икки йил давомида совет ихтирочилиги ва чет эл патенти ҳуқуқи, патент-техника ахбороти асослари ва бошқа предметлар юзасидан лекциялар тинглашди. Тингловчилар ҳузурида экономистлар, юристлар, патентшунослар, инженерлар ва бошқалар лекция ўқишди.

ЖАМОАТЧИЛИК ЁРДАМИГА ТАЯНАМИЗ

Киши аҳлоқи, одоби, меҳнати билан обрў топади. Обрўга эса осонликча эришилмайди. Инсон ишида, оила, кўча-кўйда, маҳаллада юриш-туришн билан ўрнак бўлиши керак. Одам жамоатчилик ўртасида ўзини қандай тутиши, турли маросимларда қатнашуви билан ҳам эл орасида танилади. Ширинсўзлик, ширинсуханлик, ахлоқий поклик кишини ҳар доим эъзозлайди.

Жамиятимизда кишиларга фақат яхшилик келтириш мақсадида меҳнат қилаётган ўртоқлар қатори ўзнинг хулқ-атвори, ҳатти-ҳаракати билан бугунги ҳаётимизга доғ тушираётганлар оз бўлсада учраб туради. Улар ажойиб замонамизнинг, ҳавас қилса арзигудек даврининг қадрига етмаган ношукур кимсалардир.

Ҳабибулла Баҳромов эндигина ўн беш баҳорни кўрди. Унинг ножўя ҳатти-ҳаракатларини сезган маҳалла комитети тартибга чақирди. Милиция бўлимида Ҳабибулла билан суҳбат ўтказилди. Лекин бу суҳбатлар унга кор қилмади. Ножўя ҳаракатларини давом эттираверди. Ўзига ўхшаш беодоб, аҳлоқий жиҳатдан бузуқ кишилар билан ҳамтовоқ бўлди. Яқинда магазиндан моллар ўғирлаётганда шериклари билан қўлга тушди.

Бахтиёр Саъдуллаев ўн олти ёшга энди тўлган. Уни ҳам тўғри йўлга солиш мақсадида бир неча бор гаплашдик. Лекин Бахтиёр кўпчиликнинг ўгитларига қулоқ солмади. У ҳам ёмон йўлга кириб кетди. Охири жиноят қилиб қўлга тушди. Бу мисолларни келтириш биз милиция ходимлари учун кўнгилли эмас. Лекин улар ҳақида тўхталаётганлигимиздан мақсад шуки, ҳар икки ҳолда ҳам милиция ходими ёлғизлик қилиб қолди. Ҳаётга мустақил қадам қўйиш олдида жиноят содир қилган Бахтиёр ва Ҳабибуллаларнинг ота-онаси, қўни-қўшнилари, улар ўқиётган мактаб маъмурияти ёшларга нисбатан назоратни маълум даражада сусайтириб қўйган.

Маҳаллаларда катталарнинг, маҳалла активларининг гапига қулоқ солиб тўғри йўлга тушаётган ёшлар жуда кўп.

Эргаш Аҳроров Собир Раҳимов район М. Уйғур кўчаси 24-уйда яшайди. У кўпинча ножўя ҳаракат қилиб ойласини ранжитар ва ҳақорат қиларди. Маҳалла комитети ва участка милиция вакиллари у билан бир неча марта суҳбат ўтказиб, унинг ҳаракатлари нотўғри эканлигини тушунтирди. У айбига иқрор бўлди. Натижада Эргаш бу панд-насиҳатлардан тўғри хулоса чиқарди, ва ўз ойласи билан иноқ яшай бошлади. Ҳозир у заводда энг илғор ишчилардан ҳисобланади. Юриш-туришда, ахлоқда бошқаларга намуна бўлмоқда.

Киши ҳеч қачон жиноятчи бўлиб туғилмайди. Мактаб, ота-оналар, жамоатчилик, болаларни тўғри йўлга солиши керак. Улар ҳато қилдими, тезда бу хатонинг олдини олиш лозим. Умуман олганда кўнгилсиз воқеалар рўй бермаслиги учун тарбияни кучайтириш кўпчиликнинг ишидир. Милиция органлари албатта ҳар қандай жиноятнинг олдини олиш учун курашади. Жиноятчиларни тарбиялашга ҳам қурби келади. Лекин бир милиция вакили маҳаллаларда, кўча-кўйларда безорилик билан турли жиноятларнинг баъзи кўринишларини содир қилаётган шахсларнинг ҳаммасини ҳам кўриб улгура олмайди.

Жиноят содир бўлдими, дарҳол қўни-қўшни, маҳалла аҳли унинг айбдори билан кураш олиб бориши керак. Милиция участка вакилларига жамоатчилик фаол ёрдам бериб турганлигина ҳар қандай жиноятнинг олдини олиш мумкин.

Ҳ. НИҒМАТОВ,
Собир Раҳимов район ички ишлар бўлими участка вакили, милиция старший лейтенанти.

ОСИЕ ВА АФРИКА ЕЗУВЧИЛАРИНИНГ ОЛМАОТА КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЛДИДАН

ВИЖДОН СЎЗИ

Ҳисрав Шаҳоний

Эрон ёзувчиси.

Ҳисрав Шаҳоний — Эроннинг истеъдодли прогрессив ёзувчиларидан бири. Унинг «Лаънатланган кўр», «Маҳалламиз паҳлавони», «Очилиш маросими», «Бегона киши» каби китобларн айниқса машҳур.

Ҳисрав Шаҳоний ҳикоялари чуқур демократизм руҳи билан суғорилган. Ёзувчи ижодининг ўзига хос томони шундаки, у турмушдаги оддий кулгили воқеаларни тасвирлаш орқали социал нотенгликни, халқ бошига битган бало—капиталистик жамият иллатларини усталик билан фош этади. Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу ҳикояни ўқиб, бунга ишонч ҳосил қилишингиз мумкин.

ҲИКОЯ

Ажойиб кунларининг бирида мен эрталаб соат саккиз аларда ўз ҳовлимиздаги ҳовуз бўйида ювинаётган эдим. Эндигина юзимга совун суртгандим, қўнғироқ жирингиаб қолди. Эҳтимол, Асқар ога бўлса керак, одатдагидай ахлат олгани келгандир, деб ўйладим. Юзимдаги совунни ҳам ювмасдан ҳужрамни юмганча эшикка яқинлашдим:

— Ахлат қутиси эшик орқасида, бурчакда, ўзинг олақол,—дедим. Остонада ким турганига эътибор ҳам қилмай, яна ҳовуз бўйига қайтдим.

Шу пайт орқамдан майин ва ёқимли овоз келди:

— Ассалому алайкум, ога!

Бу кутилмаган тасодифдан турган еримда қотиб қолдим. Бир амаллаб енг учи билан кўзимдан совун кўпигини артдим. Қай кўз билан кўрайки, остонада ўн еттиўн саккиз ёшлардаги дўндиқ бир қиз менга кулиб қараб турарди. Қиз шундай дилбар эдики, бунақаси ер юзида бўлмайди, осмондан тушган фариштанинг худди ўзгинаси. Саломига алик олиб, унга яқинроқ бордим, сўнг мен ҳам кулиб дедим:

— Келинг, хоним. Ичкарига марҳамат қилинг. Хўш, хизмат?

У қошларини ноз-карашма билан енгилгина учириб, остонадан ичкари кирди.

— Хайрли тонг, ога!— сеҳрли овози эшитилди яна. Овози шундай жозибали эдики, мен худди ўткир шароб ичгандек дилхуш бўлиб кетдим.

— Толеингиз баланд бўлсин, хоним,— саломимни такрорладим.

Қиз менга яна майин табассум ҳадя қилди. Сўнгра сўради:

— Эрталаб юзингизни нима билан ювасиз?

Мен бироз довдираб қолдим, ташвишлана бошладим. Тагин бу хоним бошқарма учун пул ёҳуд томдан тараша тушгандай пайдо бўладиган давлат солиқларини йиғувчи вакил бўлса-я?.. Ахир мендан қанақа совун билан ювинишимни сўраяпти-ку, солиқ тўлашга қолим келадими, йўқми, шуни билмоқчидир-да.

— К-кў-риб ту-риб-сиз-ки, с-совун б-билан юви-на-ман,— жавоб қилдим унга ўзимни йўқотиб қўйганимдан дудуқланиб.

— Буниси менга равшан. Лекин ҳарқалай, қанақа совун билан ювинасиз?

— Мана шу... ўзингиз кўриб турган... совун билан...

— Энг аввало сизга ўзимни таништирай.— Эшигим тагида турган бу фариштa ғўё менинг калламдаги фикрларни ўқиб олаётгандай эди.— Мен—озодалик ва гўзаллик даракчисиман. Заводимизда чиқарилаётган энг яхши навли совун билан Сизни таништирмоқ учун бу ерга келдим. Бир бўлак совунни намуна сифатида Сизга текинга қолдириб кетаман. Умид қиламанки, сиз уни ишлатиб кўргач, «Хеч ким баланд келолмаган» завод маҳсулотининг доимий истеъмолчиси бўлиб қоласиз.

Ташвишим тарқалиб кетди.

— Менинг озодалигим тўғрисида шунчалик меҳр билан ғамхўрлик қилганингиз учун сиздан ҳам, заводингиздан ҳам беҳад миннатдорман,— дедим такаллуф билан қизга таъзим қиларканман.— Бу ерда нимага турибсиз, уйга кирсангиз-чи...

Қиз менга ноз қараш қилди, қўлини нейлон халтачага тиқиб, ичидан бир бўлак совун олди.

— Бу — «Табассум» совуни. Уни ишлатсангиз, юзингиз баҳор гулларидек тетик ва тиниқ бўлиб кетади... Сиз менга фақат виждонан сўз беришингиз керак...

Эҳтимол, у уйга кирмоқчи бўлса, мен виждонан сўз беришим керакдир, деб ўйладим.

— Виждонан сўз беришим керак!— унинг сўзларини охирагача эшитмасданоқ ҳовлиқиб дедим мен:— Менинг уйимга кирсангиз... Нималар деяпсиз, ўзи! Менга ишонаверинг... Мен...

— Ақлли одамнинг садағаси кетсанг арзийди,— деди у қошларини кериб.— Сиз менга ҳаммавақт «Хеч ким баланд келолмаган» заводида чиқарилаётган «Табассум» совунини ишлатаман, деб виждонан сўз берасиз.

Бошим ганграб қолди, ниҳоят ўзимни қўлга олиб, қизнинг илтимосини қабул қилдим:

— Сизга виждонан сўз бериб айтаманки, «Табассум»дан бошқа ҳеч қанақа совунни ишлатмайман!

Қиз сўзимга жавобан кулди-да, қўлларини лабига қўйиб, ҳавоий ўпич ишорасини қилгач, кўздан ғойиб бўлди. Мен эса бутунлай ўзимни йўқотиб қўйган эдим.

Ниҳоят ювиниб олиш имкониятига эга бўлдим. Аввал эски совун бўлагини ташлаб юбордим-да, бир неча бор юзимга ҳалиги ҳадя қилинган «Табассум» совунини суртдим. Чиндан ҳам совун хушбўй эди. Уни иккинчи марта суртганимдан кейин юзим гўё тулкининг мўйнасидек силлиқ бўлиб қолди. Билмадим, совуннинг ўзи ҳақиқатда яхши таъсир кўрсатдими, ёки бўлмаса, гўзалликнинг соҳибжамол даракчиси қаршимда пайдо бўлиши ва айтган сўзларидан кейин шундай бўлдими. Ўша куни мен уч марта ана шу совунга ювиндим. Гўзал хонимга виждонан сўз берганим учун ҳар эҳтимолга қарши дўконга чиқиб, яна икки бўлак «Табассум» совунидан сотиб олдим. Бошқалар талаб кетишмасин, дедим.

Эртаси кун саҳарда ювиниб, тишларимни тозалаётган эдим, эшик қўнғироғи яна чалинди. Оғзим тўла паста, чайишга ҳам улгурмай ,эшик очгани бордим. Худди кечагига ўхшаб рўпарамда гўзал ва дилбар қиз турарди. Дарров пайқадимки, бу қиз ҳам гўзаллик ёки бахт, ёки бўлмаса, шунга ўхшашларнинг даракчиси. Оғзимни очишга улгурмасимданоқ у мен билан саломлашди, ҳайрли тонг тилади, сўнгра сўради:

— Тишингизни қанақа паста билан ювасиз?

Ўйлаганим тўғри чиқди!

— Мана шу... энг оддий паста билан, хоним. Ўзи нима гап?

— Дурдай тишларингизга ачиймайсизми? Тишни оддий паста билан ювиш!... Манг, олинг, мен сизга «Дунёда ягона» заводида чиқарилган тиш пастасидан олиб келдим. Ҳар гал, тишингизни шу паста билан ювганингиздан кейин, сиз бир ёш яшариб кетасиз. Бу паста тиш илдизларини ва милкни мустаҳкамлайди. У А, Б, В, Г, Д витаминлари билан бойитилган, бу ернинг иқлим шароитида оғиз бўшлиғига яхши таъсир қилади.

— Ғоят миннатдорман, хоним... Нега энди сиз менга уни шундай беряпсиз?

— Бу—биздан Сизга совға. Лекин бир шартимиз бор: Сиз бизнинг заводимиз тиш пастасидан доимий фойдаланиш учун виждонан сўз берасиз.

Сезиб турибманки, ҳонимга қаршилик қилишга менда ҳеч қандай куч йўқ. Ҳа, айтганча, нима фарқи бор—тишимни оддий паста билан ювдим нимаю, мана бу янги гўзал қиз совға қилган паста билан ювдим, нима? Унга шундай дедим:

— Виждонан сўз бериб айтаманки, токи мен ҳаёт ва тишларим бор экан, фақатгина Сизнинг пастангиздан фойдаланаман. Яна бирон-бир хизматингиз бўлса мен тайёрман.

Қиз ёқимли кулди, кетатурib яна бир қутти «Саҳро» порошогини совға деб қабул қилсангиз, Сиз ларимни қисди. Сўнг кўздан ғойиб бўлди.

Виждон сўзи ҳаёлимни эгаллаб, ташвиш қила бошладим: «Дунёда ягона» заводининг тиш пастасини харидорлар битта қўймай олиб кетиб қолишса-я. Шунинг учун танаффус пайтида дўконга кириб, тўрт дона паста сотиб олдим. Ҳар куни бир неча марталаб «Табассум» совуни билан ювинадиган, тишимни эса «Дунёда ягона» заводи пастаси билан тозалайдиган бўлиб қолдим. Учинчи кун оғзим куйгандек бўлганини сездим, бироқ нима ҳам қила олардим — ахир виждонан сўз бериб қўйганман-ку.

Яна бир неча кун ўтди. Эрталаб уйдан чиқатуриб, остонада бир пари-пайкарга дуч келдим. Гапнинг рости, назаримда, қадимий гўзал қайкал жонланиб кетгандай бўлди. Хушбўй нафаси худди ясмин гулининг ёқимли атриндек бутун вужудимни яйратиб юборди.

— Хайрли тонг, ога,— деган овоз эшитдим ҳали эс-ҳушим жойига келмасдан. Шунда англадимки, бу соҳиб-жамол ҳам мўъжизакор элчиларнинг бири.

— Хайрли тонг, гўзал қиз,— жавоб бердим.

Қиз қўйлагимнинг ёқасига қаради, локланган тирноқлари билан силаб кўргач, сўради:

— Айтингчи, ога, сиз кийим-кечакларингизни нима билан ювасиз?

— Минг карра мени афв этасиз, хоним. Нима, сиз кирчимисиз?

Афтидан, саволим қизнинг жаҳлини чиқарди. У қошларини чимирди.

— Йўқ, асло. Мен саломатлик ва гигиена элчисиман. Сизга шундай демоқчиман: агар сиз бундан буён кийим-кечакларингизни «Саҳро» порошоги билан ювсангиз, у қордан ҳам оппоқ, янгигина очилган гул баргидан ҳам юмшоқ бўлади.

— Бироқ хоним...

Гапимнинг давомини эшитмасданоқ у менга бир қутича кир порошоги узатди, айни чоқда дунёда ҳеч ким билмайдиган нафис ва эрка табассум ҳадя этди:

— Сиздан илтимос, мана шу бир қути «Саҳро» порошогини совға деб қабул қилсангиз, Сиз

(Давоми 4-бетда)

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

ДЕҲЛИДА ВИСТАВКА ОЧИЛДИ

ДЕҲЛИ, 28 август. (ТАСС). Совет маданияти уйида «Совет-Ҳиндистон иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлиги» мавзуида виставка очилди. Виставкага совет ва ҳинд инженерлари ва ишчилари Ҳиндистонда биргаликда барпо этган корхоналарнинг суратлари ва схемалари, макетлари қўйилган. Жуда катта харитада 70 дан ортиқ нуқталар—Совет Иттифоқи ёрдами билан қурилган, қурилаётган ёки лойиҳаси тузилган корхоналар кўрсатилган. Бу корхоналар орасида ҳар иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг ёрқин рамзи бўлиб қолган Бхилан металлургия комбинати, Койяли ва Бараунидаги йирик нефть тозалаш заводлари бор.

Планлаштириш министрлигининг давлат министри М. Дхариа виставкани очиб, Совет Иттифоқининг берган иқтисодий ва техникавий ёрдами Ҳиндистонинг экономикасини ривожлантиришда ва айниқса давлат секторида корхоналар қуришда ғоят муҳим роль ўйнаганлигини уқтириб ўтди. «Биз бу ёрдамни юксак қадрлаймиз ва табриклаймиз,— деди министр.— Шу ёрдам туфайли саноатнинг асосий тармоқлари — пўлат эритиш, оғир машинасозлик, нефтни қайта ишлаш соҳалари анчагина тараққий этди». Министр, шунингдек тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши ҳамда иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик юзасидан Совет-Ҳиндистон ҳукуматлараро комиссиясининг тузилиши ҳар иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ва кенгайтиришда муҳим давр бўлганлигини айтди.

Ҳар иккала мамлакат ўртасида муносабатлар ривожланган сари уларнинг ҳамкорлик қилиш формалари ҳам такомиллашаётганлигини уқтириб ўтиб, М. Дхариа СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг кенгайиши ҳар иккала мамлакат халқлари ўртасида дўстликни янада мустаҳкамлашга имкон беради, деб ишонч билдирди.

К. ТАНАКАНИНГ СССРГА ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА АЙТГАНЛАРИ

ТОКИО, 27 август. (ТАСС). Японня бош министри К. Танака Совет Иттифоқига яқинда қиладиган визити муносабати билан «Ти-Би эс» телевизион компанияси мухбири билан суҳбатда бўлажак музокараларда ҳар иккала томон ўз музокаларини ҳамжиҳатликка эришишга имкон берадиган руҳда олиб боришлари керак, деди. Бу музокаралар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бизнинг Совет Иттифоқи билан муносабатларимизда бирон бир дастлабки шартни қўйиш ниятимиз йўқ, деди Танака. СССР билан муносабатларимизда гарчи ҳар хил проблемалар мавжуд бўлса ҳам, лекин олий даражадаги бу музокаралар мувақат характерда бўлади, деган фикрда эмасман.

Бош министр ҳар икки томонинг умумий истаги алоқаларни кенгайтириш, иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик масаласини сулх шартномаси тузиш проблемасидан алоҳида ҳал этиш ниятида эканлигини кўрсатиб ўтганлигини уқтиради.

„ОБСЕРВЕР“ ХИТОЙДАГИ СИЁСИЙ ВАЗИЯТ ТЎҒРИСИДА

ЛОНДОН, 27 август. (ТАСС). Лондоннинг **«Обсервер»** газетаси ёзадики, ўтган ҳафта Пекинда бўлиб ўтган «яширинча кенгашлар Хитойнинг икки асосий раҳбарлари — ранс Мао билан бош министр Чжоу Эньлай тарафкашлари бўлган турли гуруҳлар ўртасидаги пинҳоний курашда энг муҳим ҳодиса бўлган бўлиши мумкин».

Хитойдаги сиёсий ва ҳарбий устқурма маданий революциянинг сейсмик портлашлари ва Линь Бяонинг қулашидан сўнг ярим вайрона ҳолга келди.

Ҳозир Хитойнинг ҳеч қандай қаттиқ бир структураси йўқ, деб ёзади газета. Аслини олганда у ерда на давлат бошлиғи, на мудофаа министри бор. Партиядаги аҳвол парокандалик давом этаётганлигидан далолат беради. Сиёсий бюронинг 21 аъзосидан нари борганда 11 таси ишлаб турибди, ҳар бешинчи вилоятда партия комитетининг биринчи секретари йўқ.

«Обсервер» Хитойдаги сиёсий вазиятни таҳлил қилар экан, «сўл маочиларни ўртача йўл тутувчиларга ва кўпчилик ҳарбийларга қарши қўювчи яширин можаро борлиги» тўғрисида ёзади.

Ранс Мао, деб давом қилади газета, кўзи очиқлигида Маочи сўл раҳбарларнинг, жумладан ўз хотини Цзян Циннинг раҳбарликдаги олий лавозимларга расман сайланишига муваффақ бўлиб, уларнинг сиёсий келажакларини таъминлашни истайди.

«Бош министрни қўллаб-қувватловчи муъталиллар ва вилоятлардаги армия қўмондонлари Мао теварагидаги гуруҳни маданий революция чоғида ўспирин-хунвэйбинларни уларнинг ҳокимиятини зўрлик билан босиб олишга қўзғаган хавфли группа деб қарашга майллидир.

Ҳарбийлар Хитойнинг кўпгина районларида партия ташкилотларига раҳбарлик қилишда ҳамон бош роль ўйнаб келмоқдалар. Фақат биргина вилоятда партия маҳаллий ташкилотининг биринчи секретари лавозимидаги ҳарбий киши ўрнига граждан киши қўйилди».

«Ўтган ҳафта охирида бўлиб ўтган яширинча мажлислар кейинчалик партиянинг расмий съезди деб аталадиган бўлса ёки шу мажлислар сўнг тез орада расмий съезд, деб аталадиган йиғин бўлса бу икки гуруҳ ўзаро тактик битимга келганлигини билдиради. Башарти ҳеч нарса содир бўлмаса,— деб ёзади газета.— Хитойда ҳамон ички кураш кетаётганлигини билдиради».

ЖАҲОНДА ЭНГ КАТТА

ПРАГА. Чехословакия киноҳорлар хмель сақлайдиган ва ҳиллайдиган жаҳонда энг катта ихтисослаштирилган омбор қуриб битказдилар.

Чехословакия хмелкорлигининг маркази Жатец шаҳрида қурилган шу ўн тўрт қаватли бинонинг фойдали саҳни 27 минг квадрат метрни ташкил этади. Хмель қабул қилиб олиш, қоқи қилиш, ҳиллаш ва ортиш билан боғлиқ ҳамма ишлаб чиқариш процесслари тамомила автоматлаштирилган.

Хмель янги омбордан республиканинг пиво заводларига юборилади, шунингдек жаҳоннинг 60 мамлакатига экспорт қилинади.

Жанубий Вьетнамнинг озод этилган районларида халқ ҳокимияти тинч ҳаётни изга тушириш учун қўлдан келган ҳамма ишни қилмоқда. Ҳозир аҳолини озиқ-овқат ва зарур буюмлар билан таъминлашга асосий эътибор берилмоқда. Суратда: Куангчи вилоятида шоли ҳосилини йиғиш пайти.

ВИА—ТАСС фотоси.

ЯНГИ ЖАҲОН РЕКОРДЛАРИ

Совет Иттифоқи Қаҳрамони бир неча жаҳон рекордлари эгаси учувчи-синовчи Петр Максимович Остапенко ҳамда Борис Антонович Орлов Е—266 самолетида тез кўтарилишда учта жаҳон рекорди ўрнатишди. Остапенко 30 ва 25 километрга 243,5 секунд ҳамда 192,4 секунд натижа кўрсатди. Б. Орлов эса 20 километр баландликка 169,8 секундда кўтарилди. Суратда: учувчи синовчилар (чапдан ўнгга): Б. Орлов, Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. Федотов ҳамда П. Остапенколар.

А. Пушкарев фотоси, ТАСС фотохроникаси.

ШОИРЛАР ОВОЗИ

Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов номли Тошкент граммпластинкалар заводи куй-қўшиқлар ёзиб олинган пластинкалар ишлаб чиқаришни тобора кўпайтириб бераётир. Шу билан бирга граммпластинкалар сифати ҳам бирмунча яхшиланмоқда.

Завод кейинги вақтларда Ўзбекистон шоирларининг шеър ва достонлари ёзиб олинган граммпластинкаларни ҳам кўплаб ишлаб чиқарабошлади. Натижада қисқа вақт ичида ўнлаб таниқли шоирларимизнинг шеърлари ёзиб олинган грампластинкалар сотиш учун савдо тармоқларига юборилди. Ҳозир қайси бир хонадонга кирманг у ерда хоҳлаган шоирларингизнинг шеърларини ўз овозларида грампластинкалар орқали тинглашингиз мумкин. Бу ҳол ҳар бир кишини хушнуд этмасдан қолмайди.

«Ўзбекистон шоирларининг овози» деган бир туркумда чиқарилган грампластинкалар, айниқса, харидорларга ҳамда шеърият муҳлисларига жуда манзур бўлди. Севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг «Ленин», «Саратон», «Она» — «Сайёра», «Оҳу» ва «Баҳор» шеърлари ёзилган грампластинкалар ҳам кўплаб ишлаб чиқарилди.

Шукур Саъдуллаев, Толиб Йўлдош, Илёс Муслим, Пўлат Мўмин каби шоирларимизнинг болаларимиз учун ёзган қувноқ мазмунли бир неча ўнлаб шеърлари грампластинкаларга ёзиб олиниб, «Ўзбекистон шоирлари болаларга» деган туркумда пластинкалар тайёрланди. Ҳозир бу пластинкалар савдо тармоқларида сотилмоқда.

Тошкент грампластинка заводи ишлаб чиққан пластинкалар орқали тожик шоирлари Гулрўҳсор Сафиева, Мавжуда Ҳакимова ва шоир Убайд Раҳаб, татар халқ шоири Ҳасан Тўфоннинг шеърларидан баҳраманд бўлишларингиз мумкин.

М. ФОЗИЛХЎЖАЕВА,
Грампластинкалар уйининг директори.

ВИЖДОН СЎЗИ

(Боши 3-бетда).

ҳам менга виждонан сўз берингки...

— Биламан, биламан,— унинг сўзини бўлдим.— Бундан бошқа ҳеч қанақа порошокдан фойдаланмайман, деб виждонан сўз бераман. Шундайми, тасаддуқ?

Мен уйга кириб қари хизматкоримга дедим:

— Нанэ[1], биз бугундан бошлаб кийим-кечакни фақат мана шу порошокда ювамиз, деб чин виждонан сўз бердим. Уни ҳозироқ ишлатиб, синаб кўрчи.

Учинчи элчи келиб-кетгандан кейин икки кун ҳам ўтмасданоқ эшик қўнғироғи яна жиринглади, эшикни очгани нанэ борди.

— Сизни сўрашяпти, — деди у қайтиб келиб.

Кўз ўнгимда навбатдаги даракчи намоён бўлди. Мен сўрашдим, у ҳам саломлашаркан, эркалаган бўлиб елкамни силаб қўйди.

— Мени авф этгайсиз, хоним. Билишимча, сиз озодалик, гўзаллик, бахт ва ҳоказо ажойиб ҳодисаларнинг элчиси бўлсангиз керак.

— Буни қаердан билдинг, зумраша? — хандон отиб кулди у.

Мен унга бундан аввал ҳам худди ўзига ўхшаш уч киз билан учрашиш бахтига муяссар бўлганимни айтиб тушунтирмоқчи бўлдим, бироқ бу билан фақат уни хафа қилиб қўйишим мумкинлигини ўйлаб қолдим (Инсоннинг табиати ўзи шунақа, миясида минг хил фикр бир-бирига тутқич бермай айланаверади).

— Илоҳий қиёфангизнинг ўзи Сизнинг ё аҳамиятли элчи, ё бўлмаса, фариштса деб айтиб турибди.

У кулди, гапимга жавобан ҳеч нима демади, нейлон халтачасини оёқлари тагига қўйди-да, қўлларини елкамга ташлади.

— Қанақа совун билан ювинасан, жонгинам?

Буни қаранг-а. У аввалги қизлардан кўра ҳам навозиндироқ муомала менга. Бунақа дилкашликдан завқ олиб турарканман, мойиқ қўлларини елкамдан тортиб олмасин, деб ҳаёл қилар ва қимирламас эдим.

— «Табассум» совуни билан, дедим.

— Оҳ, қуриб кетмайдими ўшанақа совун! Наҳотки ўз афтингга ачинмасанг? Юзни шу совун билан ювиш! «Табассум» ҳам совун бўптими? Уни эски ароқ, оҳак ва мой чиқиндиларидан тайёрлашади-ку! Бу совун терини қовжиратиб, бир ойдаёқ турқингни ажинга тўлдириб юборади! Ўзингни ўзинг таниёлмай қоласан.

Вужудимни титроқ босди. Суҳбатдошимнинг тиниқ кўз қорачиғида ўзимнинг бадбашара аксимни кўргандай бўлдим. Ё парвардигор! Бу хотин ҳақ. Мана, бир неча кундан бери лунжим, пешанам қаттиқ тортишаётгани, куйиб бораётганини сезиб юрибман. Демак, ҳаммасига сабаб қуриб кеткур «Табассум» совуни экан-да!

— Бироқ, энди хоним, сиз... — ўзимни йўқотиб гап бошладим.

— Мана сизга бир бўлак совун, «Настарон» заводида тайёрланган, — сўзимни бўлди у, ҳақиқий совун қанақа бўлишини билиб олишингиз учун. Яна шуни билиб қўйингки, бизнинг заводимиз ўз маҳсулотларидан фойдаланган кишиларни «Кадиллак» машинаси, икки автобус ва уч уй билан мукофотлайди. Энди сиз менга ҳамма вақт «Гул» совунини ишлатаман деб виждонан сўз беринг!

Агар сиз менинг ўрнимда бўлганингизда эди, мана шундай сўз бермай ва бир бўлак текин совунга учиб, ҳар хил қизиқтиришларга кўнмай тура олармидингиз?

— Эшитаман ва итоат қиламан, хоним. Виждонан сўз бериб айтаманки, токи ҳаёт эканман, ҳеч қачон «Гул» совунига хиёнат қилмайман.

Хоним қўлимга бир бўлак совун тутқазиб кетди. Қийин жумбоқ олдида бошим қотди: «Ҳечким баланд келолмаган» заводининг гўзаллик даргасига берган виждон сўзим нима бўлади? Мен эркакманми ёки..? Ахир берган виждон сўзини бўлар-бўлмасга бузиш мумкин эмас-ку!

Ўз виждонимни пок сақлаш учун мен ҳар гал икки марта: аввал «Табассум», кейин «Гул» совуни билан ювишга қарор қилдим. Фикр-ўйларимни нанэнинг овози бўлиб юборди.

— Ога, сизни яна йўқлашяпти.

«Гул» совунини печкага тиқиб, мени кутиб турган басавлат ва кўхлик хонимнинг олдига чиқдим. Унинг кимлигини тездан билиб олгач, саломлашдим-да, қандай юмуш билан келганлигини сўрадим.

— Мен — бахт элчисиман, — гап бошлади у. Шунинг учун...

Хоним икки бармоғини пастки лабимга теккизиб, ғиғимга туртди, худди стоматологга ўхшаб диққат билан тишларимни кўрди. Кейин ғанч ва ачиниш оҳангида хитоб қилди:

— Э воҳ!

— Нима қилибди, хоним?

— Сиз бирон-бир марта ойнага қараганмисиз?

— Бу билан нима демоқчисиз?

У гўё ўз фикр-ўйларини жамлагандек, бироз сукутга берилиб, сўнгра деди:

— Очиғини айтсам, сизга раҳмим келаяпти. Ахир шунақа тишларингиз билан кулгани, чиройли қиз билан суҳбатлашгани уялмайсизми?

— Бу нима деганингиз? Нега менинг тишларим Сизга ёқмай қолди, хоним?

— Шу ҳам тиш бўптику? — хандон отиб куларкан хитоб қилди хоним. — Уялинг-е. Нега ахир тишларингизни тозаламайсиз, уларга қараб турмайсиз.

—Худо шоҳид, мен тишимни ҳар куни эрр яхши паста билан юваман, — дедим гангиган бир аҳволда. — «Дунёда ягона» заводининг пастаси билан юваман, тағин сиз бўлсангиз...

— Воҳ-воҳ! Э қудратли парвардигор! Роса эси пастни топишибди-ку... «Дунёда ягона» пастаси эмиш... Худо ҳақи, шу тўғрида оғиз очманг. Ўша заводни хўжайин-пўжайини билан ер ютсин. О, бечора-ей! Тездан мана бу «Кутахендакс» пастасини олиб, тишларингни тозала. Тиш пастаси қанақа бўлишини бир кўриб қўй. Милкларинг пўлатдек мустаҳкам, оғзинг эса гуллаб турган боғдек хушбўй бўлиб қолади. «Дунёда ягона» тиш пастаси нима? Барчаси қиралиб кетсин, шунақа маҳсулот билан қули кўкка учсин ўша заводнинг! Улар фақат одамларни лақиллатишни, шишишни, ўз чўнтакларини қаппайтиришни билишади. Бунақага улар устомон бўлиб кетишган, кўлларидан бошқа ҳеч нима келмайди. Ма, азизим, текинга мана шу пастани ол, шунда сен ҳақиқий тиш пастаси — бу фақат **«Кутахендакс»** эканлигини тушуниб етасан. Бундан ташқари, биласанми, бизнинг заводимиз ўзининг доимий мижозларини мукофотлаш учун икки юк машинаси, линкор, иккита сувости кемаси ажратган.

— Розиман. Лекин...

— Менга сен виждонан сўз беришинг керак...

— Лекин мен уларга виждонан сўз бериб қўйганман.

У менинг сўзларимни эшитгиси ҳам келмади, бўйруқ оҳангида гапимни бўлиб деди:

— Улар-булар, деб бошимни қотираверма. Менга ҳеч қизиғи йўқ. Шуни билиб қўй: агар мен келганимда тишингни бошқа паста билан ювоётганингни кўрсам, бормм, дўстлигимиз тамом-вассалом. Келишдикми, жонгинам?, — У ғиғимга шапатилади-да, кетди. Яна кўнгироқ жиринглаб қолди.

Эшикни очиб қарасам — рўпарамда ер юзида учрамайдиган, гўё осмондан тушган бир ҳурилиқо малак турибди. Бу заводлар шундай гўзалларни қаердан излаб топишаркин-а?

— Эгнингдаги қанақа кўйлак?

— Бу бехшер поплини. Нима эди?

— Поплинлигини кўриб турибман. Нимага у бунчалик исқирт?

— Худо ҳақи, хоним, нега бунақалигини билмайман. Нима учун ифлос бўлдийкин?

— Қизиқ, хўжайин қўйлакларни нима билан ювасан?

— «Саҳро» порошоги билан, хоним.

«Саҳро» сўзини эшитгач, хоним турган ерида бир сакраб тушди.

— Қандай ярамаслик!.. «Саҳро» порошоги? Қуриб кетсин ўшанинг!

— Қуриб кетсин! Ҳой, хоним, сен кимга дағдага қилмоқчи-сан? Ўзинг ким бўласан? — шошиб қолди нанэ.

Хоним энди, кампир бу ерда йўқдай, унга бутунлай эътибор бермай қўйди. Алам билан қўлларини ҳавода ўйнатиб, деди:

— Минг лаънат ўша шайтонларга... Фирибгарлар!.. Ундайбундай эмиш!... Фақат халқдан пул шилишни билишади, эвазига ҳар қанақа ифлосликларни ўйлаб топишади. Улар, одамлар пулини қаерга қўйишини билмай қолишган, деб ўйлашар балки? Шу ҳам хизмат бўлди-ку! Мол-полларингга қўшиб ер ютсин сенларни!.. Қани, нанэ, бу ёққа яқинроқ кел-чи.

Бундай ҳангомани илк бор кўраётиб, ўзини тамом йўқотиб қўйган кампир ҳатто ким билан гаплашаётганини ҳам билолмай, дағдаг титраркан аранг олдинга бир қадам босди.

— Хўжайнининг айтганларига қулоқ солма, — дадил кесиб гапирди хоним. — Сен «Саҳро» порошоги ёки бошқа ярамас нарсалар билан кир ювоётганингни бундан буён кўрмай. Мана, бу кутичадаги порошокни ол, бугундан бошлаб, кирни фақат шу порошокда ю. Бу—«Шалола» порошоги. Зиғирча солсанг, бўлгани — бир дентиз кўпиради. Тушундингми, нанэ?

— Тушундим.

— Жаноблнинг эсига солиб тур. У кутичаларга ёпиштирилган белгиларни йиғиб, кейин жўнатиб юборсин. Адреси орқасида.

Хоним кетди. Нанэ билан мен бир дунё кир порошоклари ва сон-саноқсиз совунли бўлиб қолдик.

Бир ой шу аснода ўтди. Ўнта озодалик ва гўзаллик даргаси менга ўн хил совун бериб кетди — «Ясмин», «Чечак», «Гул» «Табассум».. Уларнинг ҳар бири катта-катта мукофотлар — самолёт, пароход, поезд, сувости кемаси, вилла ва ҳ.з. қилди. Уларнинг ҳар бири ўзи билан рақобатчи заводни энг ярамас сўзлар билан лаънатлади ва мендан виждон сўзини олмагунча кетмади.

Ўнта саломатлик ва гигиена элчиси менинг уйимга ўн хил тиш пастаси олиб келди. Баъзилари мукофот ваъда қилди, баъзилари менинг виждон сўзим билан қифояланди.

Ўнта кирчи фариштса, бардамлик ва тозалик даргаси уйимизга келди. Биз ўн хил — «Дала», «Саҳро», «Дарё», «Шалола», «Ёмғир», «Дўл», «Шабнам» каби кир порошокларига эга бўлиб қолдик. Уларнинг ҳар бирига мен виждонан сўз бердим.

Ҳар куни мен ўн марта ҳамма турдаги совунларга ювинаман, тишимни ўн хил паста билан тозалайман, бечора нанэ бўлса киримни ўн хил порошокда ювади.

Нима сабабдан юзим қуришиб кетди, кўлларим ёрилди, милкларим қонайдиган бўлиб қолди, олдинги тишларим эса ҳунуклашиб, қийшайиб кетди?.. Яна бир нарсага тушунолмайман, нима учун мен сотиб олган кўйлакни нанэ виждон сўзи эвазига келган порошок билан ювганида бу янгги кўйлак ҳеч кимга керексиз латта бўлиб қолади? Худо шоҳид, илгари кўйлак сотиб олсам, камида ярим йил киярдим, энди эса аранг иккинчи ювишгача етади.

Балки, бу совунлар, кир порошоклари ва тиш пасталари бир-бири билан чиқишмай қолгандир ва мен бунинг қурбони бўлгандирман, эҳтимол, аксинча, улар бир-бири билан тил бириктириб, менга зарба бермоқчи бўлишгандир.

Ё парвардигор. Буни мен қаеқдан билай?

Русчадан Тоҳир МИРҲОДИЕВ таржимаси.

МАССИВ ЖАМОЛИ

Қўйлиқ массивининг қиёфаси кун сайин гўзаллашиб бормоқда, унинг бағрида кўплаб маданий-маиший муассасалар ва турар жойлар қурилмоқда.

Бу соҳадаги ишлар ҳажми кундан-кунга кенгаяётир. Август ойининг ўзида 2-Қўйлиқ массивида 400 ўринли болалар боғчаси, биринчи қавати ярим фабрикат магазини бўлган қирқ квартирали бино қуриб фойдаланишга топширилди.

3-Қўйлиқ массивида эса тагига озиқ-овқат ҳамда саноат моллари магазини жойлашган иккита турар-жой биносида 104 хонадон ховли тўйлари ўтказиш арафасида турибди.

Объектларни сифатли қилиб қўлдан чиқаришда «Главташкентстрой» 3-трести 30-қурилиш бошқармасининг илғор ишчилари М. Мадумаров, А. Ашуров, М. Саттикова ҳамда Х. Аликовлар жонбозлик кўрсатдилар.

Ж. СОДИҚОВА.

Спорт

ПЕШҚАДАМЛАР АНИҚЛАНМОҚДА

Республикамиз футбол майдонларида ўтаётган Ўзбекистон 30-чемпионати мусобақалари тамошабинларда қизиқиш уйғотмоқда. Маълумки, бу йилги чемпионатда 27 команда учта кичик группада куч синашмоқда. Ҳозир биринчи давра тугашига икки тур қолди. Группаларда пешқадамлар аниқлана бошлади. Биринчи кичик группада 6 ўйинни ғалаба билан якунлаган Тошкент авиация заводининг «Старт» командаси бормоқда. Иккинчи группада Гулистоннинг «Мотор» коллективи кетма-кет ғалаба қозониб, 12 очко тўплади. Бу группада қатнашаётган Тошкентнинг «Трактор» командаси 7 очко билан учинчи ўринда бормоқда.

Самарқанднинг «Строитель» футболчилари учинчи группада пешқадам бўлиб олишди. Бу коллектив 6 ўйиндан 11 очко тўплади.

Республика футбол федерациясида Ўзбекистон чемпионатининг кейинги тур учрашувларини бизга маълум қилишди.

БИРИНЧИ ГРУППА: Меҳнат» (Марғилон) — «Искра» (Жиззах)— 5:0, «Химик» (Фарғона)—«Заря» (Шаҳрисабз)— 1:0, «Заря» (Жалақудуқ) — «Тонг» (Қарши) — 0:7, «Чимён» (Чирчиқ) — «Шахтёр» (Красногорск) — 1:1.

ИККИНЧИ ГРУППА. «Мотор» (Гулистон) — «Металлург» (Олмалиқ)—1:0, «Нефтяник» (Фарғона) — «Текстильмаш» (Қўқон)— 4:2, «Малик» совхози командаси — «Строитель» (Советобод) —7:1, «Трактор» (Тошкент) — «Строитель» (Наманган) — 1:1, «Металлург» (Олмалиқ) — АРЗ (Ленинск) — 3:0.

УЧИНЧИ ГРУППА: «Сўғдиёна» (Навоий) — «Амударё» (Урганч) — 4:1, «Строитель» (Бухоро) — «Хева» (Хева) — 1:1, «Строитель» (Самарқанд) —«Амударё» (Нукус) — 5:0, «Меҳнат резервлари» (Тошкент) —, «Сплав» (Чирчиқ) 4:2.

Навбатдаги тур ўйинлари бугун давом эттирилади.

МУКОФОТ АРМИЯЧИЛАРДА

Саккиз мамлакатдан 20 та команда иштирок этган халқаро хоккей турнири ниҳоясига етди. Финалда Москва армиячилари билан спартакчилар учрашдилар. Ҳал қилувчи ўйин 6:5 ҳисоби билан ЦСКА хоккейчилари фойдасига ҳал бўлди. Улар 11-марта «Советский спорт» газетасининг мукофотини олдилар.

ТОШКЕНТДА ОЧИЛАДИГАН БУТУНИТТИФОҚ ТЕЛЕВИЗИОН ФИЛЬМЛАР ФЕСТИВАЛИ ОЛДИДАН

ҚАРДОШЛИК МАДҲИ

Сўнгги йилларда «Зангори экран» орқали намойиш этилаётган телевизион фильмларнинг сони ортиб, сифати яхшиланмоқда. Эндиликда ягона қардошлик оиласида барқ уриб гуллаб-яшнаётган иттифоқдош республикалар ҳаётида юз бераётган туб ўзгаришлар, беш йиллик илғорлари, фан, маданият, санъат янгиликлари ҳужжатли, бадиий ва музикали телевизион ленталар орқали акс эттираяпти. Бу фильмларнинг кўпчилиги ўзининг ғоявий етуклиги ва қизиқарлиги билан томошобинларнинг диққат-эътиборини ўзига тортмоқда. Шу боисдан ҳам кишиларимизнинг телевизион фильмларга бўлган қизиқиши ортиб бораяпти.

Партия ва ҳукуматимиз телевизион фильмлар ишлаб чиқаришга катта аҳамиятлар ажратмоқда. Уларга ҳаётимизнинг барча қирраларини қамраб олган қизиқарли ленталар яратиш учун катта қулайликлар туғдириб берилган. Ҳар йили телевизион фильмлар кўриги ўтказиш одат тусига кириб бормоқда. Бундай фестивалар Киев, Москва, Ленинград, Минск шаҳарларида бўлиб ўтганди. Навбатдаги V Бутуниттифоқ телевизион фильмлар фестивали сентябрь ойида Тошкентда ўтказилади. Фестивални СССР Министрлар Совети телевидение ва радио Давлат комитети СССР журналистлар союзи ва СССР кинематография союзи билан ҳамкорликда ўтказади. Қардош республика «Телефильм» ишлаб чиқарган «Главташкентстрой» 3-трести 30-қурилиш бошқармасининг илғор ишчилари М. Мадумаров, А. Ашуров, М. Саттикова ҳамда Х. Аликовлар жонбозлик кўрсатдилар.

Ж. СОДИҚОВА.

Сўнгги йилларда «Зангори экран» орқали намойиш этилаётган телевизион фильмларнинг сони ортиб, сифати яхшиланмоқда. Эндиликда ягона қардошлик оиласида барқ уриб гуллаб-яшнаётган иттифоқдош республикалар ҳаётида юз бераётган туб ўзгаришлар, беш йиллик илғорлари, фан, маданият, санъат янгиликлари ҳужжатли, бадиий ва музикали телевизион ленталар орқали акс эттираяпти. Бу фильмларнинг кўпчилиги ўзининг ғоявий етуклиги ва қизиқарлиги билан томошобинларнинг диққат-эътиборини ўзига тортмоқда. Шу боисдан ҳам кишиларимизнинг телевизион фильмларга бўлган қизиқиши ортиб бораяпти.

Партия ва ҳукуматимиз телевизион фильмлар ишлаб чиқаришга катта аҳамиятлар ажратмоқда. Уларга ҳаётимизнинг барча қирраларини қамраб олган қизиқарли ленталар яратиш учун катта қулайликлар туғдириб берилган. Ҳар йили телевизион фильмлар кўриги ўтказиш одат тусига кириб бормоқда. Бундай фестивалар Киев, Москва, Ленинград, Минск шаҳарларида бўлиб ўтганди. Навбатдаги V Бутуниттифоқ телевизион фильмлар фестивали сентябрь ойида Тошкентда ўтказилади. Фестивални СССР Министрлар Совети телевидение ва радио Давлат комитети СССР журналистлар союзи ва СССР кинематография союзи билан ҳамкорликда ўтказади. Қардош республика «Телефильм» ишлаб чиқарган «Главташкентстрой» 3-трести 30-қурилиш бошқармасининг илғор ишчилари М. Мадумаров, А. Ашуров, М. Саттикова ҳамда Х. Аликовлар жонбозлик кўрсатдилар.

Ж. СОДИҚОВА.

Ўтказилмас ҳур республикалар иттифоқи» туркумидан бериб борилган телевизион фильмлар ҳам яна бир бор томошабинлар эътиборига ҳавола қилинади. Бу ленталарда қардош республикаларнинг ярим аср ичида босиб ўтган сермазмун йўли атрофлича очиб берилган.

Тошкент фестивалининг олдинги йилларда ўтказилган телевизион фильмлар фестивалидан фарқи унинг кенг доирада ўтказилишидадир. Фестивалга чет эл мамлакатидан кўплаб меҳмонлар таклиф этилган. Чехословакия Социалистик Республикаси, Болгария, Польша, Монголия ва Корея Халқ Демократик Республикаларидан етакчи режиссер ва артистлар келишади.

Фестивалда намойиш этиладиган фильмларнинг кўпчилиги томошабинларга яқиндан таниш. Жумладан марказий телевизион студиясининг «Экран» бадиий уюшмаси томонидан тайёрланган «Шахтерлар» фильми, Украина «Телефильм» коллективи томонидан суратга олинган «Сайрғоҳ» ҳужжатли фильм, грузинлик экран усталари ижодига мансуб бўлган «Лазар саргузаштлари», Ленинград шаҳар телевизион уюшма коллективи тайёрлаган «Туман оролидаги қалдирғоч» каби фильмлар фестивалда намойиш этилади.

Фестивалда «Телефильм» бирлашмаси билан бир қаторда иттифоқимизнинг 11 киностудиясида тайёрланган бадиий фильмлар ҳам кўрсатилади. Булар ичида «Мосфильм»нинг ижодий коллективи томонидан суратга олинган «Инженер Прончатов» ва «Ярим тунга йўқолган соялар» фильмлари, «Озарбайжонфильм» коллективи кучи билан яратилган «М. Магомаев куйлайди» фильми, «Белорусфильм» томонидан таёрланган «Дворянин Чертопхановнинг ҳаёти ва ўлими» фильми бор.

Мана бир неча йилдирки, «Ўзбектелефильм» ижодий коллективи ўз маҳсулоти билан талабчан телетомошабинларни хушнуд этмоқда. Улар ёрқин ва қизиқарли ленталар ёрдамида республикамизда юз бераётган ўзгаришларни ёритишаяпти. Бу ижодий уюшма коллективи барча телевизион фильмлар фестивалларида қатнашиб, бир қатор диплом ва совринлар олишга муяссар бўлган. Коллектив аъзолари Тошкент фестивалига катта тайёргарлик билан келишди. Улар фестивалда сўнгги йилларда яратилган олтита фильм билан қатнашишади. Режиссер М. Қаюмов ва Ҳ. Иброҳимовларнинг «Совет Ўзбекистони» фильми, Т. Акромов ва Ю. Овечкинларнинг «Шашмақом» фильми, донгдор тўқувчи Лидия Казанцеванинг меҳнатда эришаётган ютуқларини намойиш этувчи «Тўқувчи» фильми, болалар учун яратилган «Мовий осмон остида», «Гулка» фильмлари ва «Қамбарнинг сеҳрли сози» фильм-концерти ана шулар жумласидан.

Фестивалда иттифоқимиз республикалари ва чет эл мамлакатларидан келган 350 меҳмон қатнашади. Улар конкурсга қўйилган фильмларни томоша қилиш билан бир қаторда пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларида бўлишади. В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалини зиёрат қилиб, Самарқанд, Бухоро шаҳарларига боришади.

Ҳозир V Бутуниттифоқ телевизион фильмлар фестивалининг ташкилий комитети аъзолари бу анжуманга катта тайёргарлик ишларини олиб боришмоқда. Уларнинг диққат-эътибори Тошкент фестивалини юқори савияда, қизиқарли ва мазмундор қилиб ўтказишга қаратилган. Бу фестиваль кичик экран ижодий уюшмалари томонидан сўнгги йилларда тайёрланган маҳсулотларнинг катта кўриги бўлиб қолади.

И. ЮСУПОВ.

ҲАР ТЎҒРИДА

КЎККЎЛ ХИСЛАТИ

Ғарбий Қорақумдаги шўр кўккулининг сири тамомила очилган эмас. Унинг устки қатламлари жазирама иссиқда ҳам уча қизимайди, аммо чуқурлигидаги сув қишда сувнинг юзини муз қоплаган пайтда ҳам 50 градусгача иссиқ бўлади.

Бир вақтлар кўл катта чуқурликдаги иссиқ булоқлардан тўлиб туради деган фикр айтилганди. Аммо текширишлардан бундай булоқлар йўқлиги аниқланди.

Ҳозир янги бир фикр айтилди. Кўл тубига яқин сувнинг иссиқ бўлишига сувнинг ғоятда минералланганлиги сабаб деб айтилмоқда. Кўлнинг унча минералланмаган юқори қатлами офтоб нурларидан қизиганида, у ўз иссиқлигини тагидаги серминерал сувга ўтказади. Лекин бу ҳам ҳозирча гипетозм бўлиб турибди.

Туркманистонда сув кўккўлникига ўхшаган кўллардан яна бир неча бор. Буларнинг ҳаммасида шифобахш балчиқ кўп. Мутахассислар шу кўллар районида курортлар ташкил этишни таклиф қилишмоқда.

Б. МИРТОВ,
ТАСС мухбири
Ашхобод.

БОҒ ЭШИКНИНГ СИРИ

АМЕРИКАЛИК машҳур ихтирочи Эдисон яшайдиган боғ эшиги жуда қийин очилар экан. Дўстларидан бири бу ҳақида унга шундай депти:

— Сиздек буюк кашфиётчи одам наҳот тузукроқ эшик қура олмасангиз?

— Гап шунақа денг, — кулибди Эдисон, — менга шунинг ўзи ҳам тузук. Ҳамма сир шундаки, бу эшик уй водопроводнининг насоси билан боғланган. Эшикдан ким очиб кирса у цистернамизга 20 метр сув чиқаради.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА — 12.30 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 19.40 — Мультфильм. 19.00 — спорт программаси. 19.30 — Адабий кўрсатув. 20.10 — Ахборот. 20.25 — Совет тинчлик программаси — амалда. 20.45 — Ўн минут музика. 20.55 — Ахборот. 21.15 — Концерт. 22.00 — «ВАҚТ». 22.30 — Дала ишлари кундалиги. 22.45 — **Совет Грузияси** (телефильм). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.55 — ТОШКЕНТ. 11.00 — Телефильм. 11.30 — **Салом, болалар** (бадиий фильм). 18.30 — МОСКВА. Концерт. 19.30 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 20.00 — Техника тараққиёти экрани. 20.30 — «Лайнс» ансамбли куйлайди. 20.40 — **Шамол билан юзма-юз** (бадиий фильм). 22.00 — Элга хизмат—олий ҳиммат (Тошкент). 22.30 — Концерт. 23.10 — Ёзувчи А. Чайковский ижодидан саҳифалар. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — **Шамол** (бадиий фильм). 20.55 — **Фронт йўли** (телефильм). 21.20 — **Қирол тахти** (телеспектакль).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 29[VIII да **Уғирланган умр.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 29[VIII да **Ужарлар**, 30[VIII да **Тошболта ошиқ.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Тақиқланган муҳаббат — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (жуфт соатларда), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Муҳаббат гўзаллиги (13.00, 17.00 20.45), **Тилла ўқ** (11.00 15.00, 19.00, 22.30):— «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ»;

Рам ва Шам (ўзбек тилда)—НАВОИЙ номли (10.00, 12,30, 15.00, 17.40, 20.20); ;

Ҳамроз — «КЎКЧА» (11.00, 14.00, 17.20, 20.30);

Биз шу ерда яшаймиз — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (жуфти соатларда).

Дунё — ҲАМЗА номли (11.30, 14.30, 17.30, 20.30);

Бошсиз чавандоз — САНЪАТ САРОЙИ (11.00, 13.00, 17.00, 19.00, 20.45); «ЧАПКА» (10.00, 12.00, 14.00 16.00, 18.00, 20.00).

Бўғиздаги тош — «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «СПУТНИК» (жуфт соатларда). «МОСКВА» (10.00, 11.45, 13.30, 15.30, 17.00, 18.45, 20.30).

Церник иши — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

ЁЗГИ БИНОДА

Қора лола — КИРОВ номли.

Машаққатли насб — ТЕЛЬМАН номли.

Бошсиз чавандоз — «ФЕСТИВАЛЬ».

ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМЛИ МАРКАЗИЙ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИНИНГ КУРАШ МАЙДОНИДА 30 АВГУСТДА

КАТТА КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Қувондиқ ИСКАНДАРОВ, Дилбар АБДУЛЛАЕВА;

Лирик хушовоз хонандалар: Фахриддин УМАРОВ, Ойхон ЕҚУБОВА;

Оригинал жанр устаси Собир МАҲКАМОВ ва бошқалар.

Музика раҳбари — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин ТЎХТАСИНОВ.

Программани Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғулом ТОЖИАЪЛОЕВ олиб боради.

Билетлар сотилмоқда.

МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ. ҚЎШИҚ ВА РАҚС ШАЙДОЛАРИ!

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

1974 йил учун

МАРКАЗИЙ, РЕСПУБЛИКА, ОБЛАСТЬ, РАЙОН ВА ЧЕТ ЭЛ ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРИГА

1 СЕНТЯБРДАН ОБУНА БОШЛАНАДИ.

«СОЮЗПЕЧАТЬ» бўлимлари ва агентликлари, алоқа бўлимлари, ўқиш ва иш жойидаги жамоатчи матбуот тарқатувчилар сизни кутмоқда.

Узбекистон ССР Алоқа министрлиги.

«СОЮЗПЕЧАТЬ» бошқармаси.

С. П. ГОРБУНОВ НОМИДАГИ ЗАВОДГА

Тошкент шаҳридаги Граждан авиациясининг 243-заводи базасида «ИЛ.62» самолётларини тузатиш бўйича парчинловчилар ва слесарлар

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй —Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

В. 1808. Индекс 64633.
Р—02637.